

Ажаб, Аброр шу сонияда ҳамкорлик ортидан қанча маблагга эга бўлишини ўйларди-ю, бу иш жиноят экани, қилмиши фош бўлиб қолса, жиний жавобгарликка тортилиши ҳақида жиддий роқ ўйламасди. Аслида «ўйламасди» десак, хато бўлар. Бироқ нафс устун эди — Нормуроднинг тақлифига кўнади.

6 бет

11 апрелга ўтар кечаси. «Шоввоз»ларнинг иштаҳаси анча карнай эди. «Ов» ҳам шунга яраша бўлди. Қарлиқбоғот кўчасида жойлашган кийим-кечак дўкони эгаси шу кеча 6 млн. 630 минг сўмлик эркалар ва болалар кийим-кечкалари ҳамда пулдан айрилиб қолди.

11 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 28-aprel, №17 (1006)

Парламентда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида электрон тижоратга оид қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

## Электрон тижорат бозори ривожланмоқда



Семинарда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Отамуродов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий тармоқларига ахборот технологиялари жорий этилаётгани савдо ва хизмат кўрсатиш жараёнида кенг қўлайликлар яратаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонунилар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2015 йилда янги тахрирда қабул қилинган "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун соҳанинг технология ва телекоммуникациявий ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Электрон тижорат соҳасида ягона стратегиясини белгилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги учун тенг шарт-ша-

роитлар яратиш мақсадида 2016-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш Концепцияси қабул қилинди.

— Мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳужалик юриштучи субъектлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун қўллаб қўлайликлар яратмоқда. — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Жамшид Пирматов. — Бинобарин, электрон тўлов ва электрон тижоратнинг жорий этилиши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми ва рақобатбардошлигини ошириш билан бир қаторда иқтисодий тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини беради.

Тадбирда юқорида зикр этилган концепцияда белгиланган вазифалар ижроси юзасида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Марказий банк, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси масъул ходимларининг ахборотлари тингланди. Иштирокчилар саволларига мутахассислар жавоб берди.

УА

## ШҲТ фаолияти — жамоатчилик нигоҳида

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази "Фуқаролар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг бўлиб ўтадиган мажлиси ҳақида" мавзусида экспресс-сўров ўтказди. Сўровни ўтказишдан мақсад Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти, Ўзбекистонда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 15-юбилей мажлисига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисида мамлакатимиз аҳолисининг фикрини ўрганишир.

Сўров натижалари шундан далolat берадики, фуқароларнинг аксарияти Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг нафақат ШҲТга аъзо давлатлар, балки бутун дунёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, тинчликни сақлаш, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган самарали фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон аҳолиси ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей саммити айнан мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётгани билан фахрланади.

Фуқаролар Президентимиз Ислам Каримовга минтақавий ҳамкорликнинг қўллаб соҳаларида ШҲТ фаолиятини янада фаоллаштиришга доир самарали тадбирлар ўтказилаётгани учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқда. Сўров қатнашчилари мазкур учрашувда қабул қилинадиган қарорлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида муҳим воқеа бўлишига ишонади.

Экспресс-сўров натижаларига кўра, фуқароларимизнинг кўпчилиги (92,1 фоизи) ШҲТни энг нуфузли халқаро ташкилотлардан, деб ҳисоблайди. Ушбу халқаро тузилма терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, қурол-ярғоқ

ва наркотикларнинг ноқонуний савдоси, трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Фуқароларнинг таъкидлашича, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини тартибга солинадиган мустаҳкам ҳуқуқий база ишлаб чиқилган. Сўров натижалари шундан далolat берадики, мамлакатимиз аҳолиси Президентимиз томонидан ШҲТ фаолиятининг барча йўналишлари бўйича илгари сурилган ташаббусларни юксак баҳолайди. Жумладан, Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ҳар йили ўтказиб келинаётган учрашувлари ташаббускорли бўлди.

Сўров иштирокчиларининг фикрича, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, атроф-муҳит муҳофазаси ва маданий-гуманитар соҳа ШҲТ фаолиятининг муҳим йўналишларидандир.

Тадқиқот довомида жамоатчиликда ШҲТ минтақавий хавфсизлик, сиёсий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш, ташкилотга аъзо барча давлатлар учун ижтимоий-сиёсий ва иж-

тимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида амалий механизмга айлангани ҳақида фикр қарор толгани ва унинг аҳамияти янада ортиши аниқланди.

Иштирокчиларнинг фикрича, бўлиб ўтадиган саммит йилларинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бири бўлади. Фуқароларимиз пойтахтимизда ШҲТ юбилей саммити арафасида амалга оширилаётган ўзгаришларга нисбатан ижобий фикр билдирмоқда. "Тошкентнинг ташқи қиёфасида рўй бераётган ўзгаришлар сизга ёқадими?" деган саволга сўров қатнашчиларининг қарийб 81,5 фоизи ижобий жавоб берди. Уларнинг фикрича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарларининг учрашувига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда ва улар пойтахтимиз қиёфаси кун сайин ўзгариб бораётганидан мамнун.

Экспресс-сўров қатнашчилари "Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси юксак савияда ташкил этилаётгани" меҳмонларда катта таассурот қолдиради, деган фикр билдирган.

Ижтимоий сўров натижалари фуқароларимиз Президентимиз раҳнамолигида ШҲТ каби нуфузли халқаро тузилма доирасида амалга оширилаётган ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ташқи сиёсий фаолиятини қўллаб-қувватлашни намойиш қилди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎЗА мухбири **Нодира Манзурова** тайёрлади

Жараён

## Ёш мутахассислар билан амалий семинар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни, "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратураси тўғрисида"ги Низомлар асосида Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият, давлат ва Қуролли Кучларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан таъсирчан на-

зорат олиб бориш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг Миллий армиямизни ислох этишга оид фармонлари, қарорлари ва улар асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш Республика Ҳарбий прокуратураси органлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Шу муносабат билан ҳарбий прокуратура органлари олдида турган бундай вазифаларни янада самарали бажариш, қонунчилик ижроси устидан назорат таъсирчанлигини мунтазам ошириб бориш мақсадида тизимда хизмат қилаётган ёш мутахассислар билан режа асосида ўқув-амалий семинар машғулотида ўтказиб келинмоқда.

Уларнинг навбатдагиси жорий йилнинг 21-23 апрель кунлари "Миллий армиямиз — тинчлигимизнинг мустаҳкам қалқони" мавзусида Жиззах вилоятидаги тоғ ўқув дала майдонида ташкил этилди.

Унда мустақиллик йилларида конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини амалда тўлиқ таъминлаш борасида ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар мазмун-моҳияти маърузачилар томонидан ёритиб берилди.

Таъкидланганидек, қарийб чорак аср довомида сарҳадларимиз дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини барқарор сақлаш, фуқароларимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва ахборот-коммуникация техно-

логиялари билан таъминланган, профессионал тайёргарликка эга, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Натижада Миллий армиямизнинг жанговар куч ва имкониятлари янада ошди, ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди. Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим самараси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгилашганида яққол номоеён бўлмоқда. Бугун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки ҳамма ҳавас қиладиган энг нуфузли касблардан бирига айланди.

[Давоми 3-бетда]

Азал-азалдан миллатимизда оила муқаддас саналган. Шу боис, унинг пойдеворини мустаҳкам қилишга эътибор кучли бўлган. Бир қизни турмушга узатиш ёки бир йигитни уйлантиришда иккинчи томоннинг етти пуштигача суриштирилган бекзи эмас. Аҳён-аҳёнда тақдирдан нолигулик ҳолатларда ҳам ота-ю боболар "Менинг авлодимда никоҳни бузганлар бўлмаган" қабилада оиланинг бузилишига йўл қўймаганлар. Бунинг замирида муқаддас ришталарга садоқат, келгуси авлодга иборат, сулолага содиқлик фазилатлари муҳрланганки, уни бузишга ҳад қилганларни ҳаёт аяб ўтирмайди.

## Тўдаклар увули тутмасин

Хуршид АБДУВАХОБОВ,  
Шахрихон туман прокурорининг  
ёрдамчиси вазифасида иш ўрганувчи

Йигит ажрашиш бўйича судга даъво аризаси киритади. Улар атиги бир йил бирга яшашган, холос. Ўртада биги нафар фарзанд бор. Келинчақ эса ажрашишга рози эмас, оиласининг тикланишини истайди. Аммо...

Ажралиш сабабини сўрасангиз, йигитдан: "кўнглим йўқ" қабиладидаги жавобни оласиз. Бунга эса: "Ахир тўйдан аввал, никоҳ оstonасидан ўтмай туриб ҳисоблашмаганимнинг кўнглинг билан? Бунинг учун сенга вақт, имкон берилганди-ку?!", дегинг келадди.

"Болалар нима бўлади?" деган саволинигизга эса "Алиментини вақтида тўлаб тураман" мазмунида жавоб олишингиз табиий. Меҳр, оталик муҳаббати, эҳтиёжи, ришта ўрнини нима билан тўлдирасиз, эй ота?!

Аслида-ку, ажрашишдан кейин қатто шу "мурувват" и-ни ҳам дариг тутиниш аниқ. Оталикдан осонгина воз кечганки, боласининг ҳаққини беришдан бир кун ўзини олиб қочиши турган гап. Шу боис, "Отасидан алимент ундириб беринг", дегувчи сарсон оналар ҳам учраб турибди.

Шахрихон туман прокуратураси мазкур муаммонинг жиддий эканини эътиборга олган ҳолда айнан шу йўналишда, шунингдек, вояга етмаганлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга оид қонунлар ижроси борасида ҳам бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, Суд қарорларини ижро этиш департаменти Шахрихон тумани бўлими, туман ИИБ ва МФЙ вакиллари билан ҳамкорликда жорий йилнинг февраль-март ойи давомида ҳудуддаги маҳаллаларда давра суҳбатлари ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад, оилавий ажримларнинг олдини олиш, ўзаро келишмовчилик туфайли ажрашиш оstonасидаги оилаларни яраштириш, алимент тўлашдан бўйин товлаётган оталар билан мулоқотга киришган ҳолда қарздорликни камайтиришдан иборат эди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида тумандаги алимент тўловчиларнинг 52 нафари ишга жойлаштирилди. Уларнинг ижро ҳужжатлари иш жойларига юборилди. 31 нафари яраштирилиб, айни пайтда ундирувчи билан бирга яшаётгани боис уларнинг ижро ҳужжатлари тамомланди. Шунингдек, бу борадаги 48 та ижро ҳужжатининг ижроси таъминланди.

Шамсиддин Муродов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 1979 йилда туғилган Шахрихон тумани, Янгийўл ҚФЙда яшайди. У Шахноза Орипова билан қонуний никоҳдан ўтиб оила қурган. Бироқ икки нафар фарзандли бўлишгач, оилавий келишмовчилик сабабли аёл фарзандлари билан ота уйда ашай бошлайди. У моддий жиҳатдан қийналгани боис, 2013 йилда фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судига 2 нафар фарзандига алимент ундириш юзасидан даъво аризаси киритади. Вақт ўтгани сайин отанинг алиментдан 4 млн. сўмдан ортқ қарздорлиги вужудга келади. Лекин у негадир алимент тўлашни пайсалга солиб келаверади. Туман прокуратураси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида Ш.Муродов ва Ш.Орипова яраштирилиб, уларнинг оиласи тикланишига эришилди.

Шунингдек, бир нафар фарзанди бор Тохир Равшанов ва Зайнаб Маҳкамованинг турмуши ҳам келишмовчилик сабабли 2013 йилда парокандаликка юз бурганди. Ижро ҳужжатида Т.Равшановнинг қарздорлиги 4 млн. 527 минг сўмини ташкил этарди. Туман прокуратураси томонидан олиб боришган суҳбатлар, маҳалла фаолларининг аралашуви билан уларнинг оиласи ҳам тикланди.

Мазкур йўналишдаги фаолиятимиз давомида кўпинча дуч келинаётган ачинарли жиҳатлардан яна бири, биринчи никоҳи ажрим бўлмай, иккинчисига турмуш қуриб кетаётганларнинг учрашидир. Минг таассуфки, ноқонуний тарзда, "енг ичиди" яширинча ўқилган шаръий никоҳ билан ўз ҳаётини қил устига қўяётган аёллар — қизлар учун наҳотки чинакам мустаҳкам ва бахтли ҳаёт, ҳақ-ҳуқуқ, қадр-қимматнинг сариқ чақали аҳамияти йўқ! Ўз-ўзидан бу оиланинг омонат эканлигини ҳеч бўлмаганда катта авлод вакиллари — ота-оналар, маҳалла фаоллари тушунтиришлари лозим.

Эркин иқтисодиётга асосланган бозор муносабатларига ўтиш жараёнида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес соҳаси кун сайин раванқ топиб бормоқда. Кимдир савдотик, яна кимдир ишлаб чиқариш, бошқа биров ўзига маъқул хоҳлаган фаолият тури билан эмин-эркин шугулланмоқда.

## Савдо ҳалолликни «хушлайди»

Азамат ЖАЛИЛОВ,  
СВОЖДЛКК департаментининг  
Яккасарой туман бўлими катта инспектори

Тўракул Низомов ҳамда Бекзод Турдиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам яхшигина тармоққа асос солишди. Улар 2010 йилда Яккасарой туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан тегишли ҳужжат олиб, қишлоқ ҳўжалиги экинларига турли минерал ўғитлар соши билан шугулланадиган жамият ташкил қилишди. МЧЖнинг ишлари дарҳол юришди. Уларнинг маҳсулотларига харидор кун сайин кўпайиб, ҳисоб рақамларида турган пуллар ҳам барака кирди. Бу икки шахс фаолиятларини шу тарзда давом эттирганларида эди, балки айни вақт яна бир тармоққа асос солиб, ҳам давлатга, ҳам ўзларига фойда келтирар эдилар...

Афсуски, Т.Низомов ҳамда Б.Турдиев нафсларига ортқча эрк бериб юбордилар. Бу эса уларни суднинг қора курсисига еталади. Бу шахслар турли фирмалар билан сохта шартномалар тузиб, ҳисоб рақамларидаги пуллари нақдлаштиришга берилиб кетишди. 2011-2014 йиллар давомида хуфийна иқтисодиёт билан шугулланган жамият раҳбарлари ҳисоб рақамларидаги оз эмас, 2 млрд. 70 млн. сўм пуллари сохта ҳужжатлар билан нақдлаштириб оладилар. Ёпиғлик ҳозир ёпиғликча қолади, деган уйга борган Т.Низомов ҳамда Б.Турдиев янглишдилар.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судида Т.Низомов ҳамда Б.Турдиевга тегишли жазо тайинланиб, ҳукм ўқилди. Уларга ҳамтовоқлик қилган жамиятларнинг ҳодимларига нисбатан ҳам жазо муқаррарлиги таъминланди.

## Қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари

Пойтахтимизда "Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашишнинг миллий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Бош прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адвокатлар палатаси ҳамда бир қатор олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиги Ш.Икромов ва бошқалар мамлакатимизда терроризм, экстремизм, коррупция, гиёҳвандлик моддалари савдоси ҳамда уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашиш юзасидан амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ҳалқимизнинг тинчлиги ва оқсоқлигини сақлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш кенг қамровли комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтириш, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қар-

ши курашишни тартибга солувчи қонунчилик ва унинг механизмларини такомиллаштириш, ҳалқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бу борадаги долзарб масалалар ҳисобланади.

Анжуманда жиноят қонунчилигининг иштирокчиликка оид нормаларини қўллашда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, илғор ҳалқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликнинг иштирокчиликка оид нормаларини қўллаш амалиёти ҳамда жиноятда иштирокчилик институтини такомиллаштириш каби масалалар муҳокама қилинди.

## Тадбиркорлар ҳуқуқни ҳимояда

Пойтахтимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга бағишланган семинар ўтказилди.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Семинарда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватловчи жамоат ташкилотларининг фаоллигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари

тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилди.

Тадбирда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг ҳуқуқий кафолати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бу борадаги фаолиятига бағишланган маърузалар тингланди.

## Қўшиб ёзиш оқибати

Жамшид АБДУҲАКИМОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси  
бўлим катта терговчиси

Зоҳир Мирмуҳамедов 1995 йилдан буён "Таъмир қурилиш бўлими" МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келарди. У вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси билан шартнома тузди. Шартномага кўра, "Навобод" қишлоғидаги 96 ўринга мўлжалланган мактабни таъмирлаш лозим эди. Қурилиш фирмаси ҳисобига 314 млн. 871 минг сўм маблағ ҳам ўтказиб берилди.

Белгиланган олти ой муддатдан сўнг таъмирлаш ишларини туғатилгани ҳақида ҳужжатларни тақдим этишди. Мутахассислар томонидан таъмирлаш сифати текшириб кўрилганда, фойдаланишга топшириш шартлари тўлиқ бажарилмаганлиги маълум бўлди.

Зоҳир Мирмуҳамедов ўқув биносидан бажарилган ишларни ошириб ёзган экан. Хусусан, гишт териш ишларига 1 млн. 136 минг, ромларни ўрнатишга 1 млн. 856 минг, эшикларни ўрнатишга 115 минг, шифтларни пардозлаш ишларига 218 минг, буюқлаш ва сувоқлаш ишларига 205 минг, том четларига тунақа қоплаш ишларига 118 минг сўм қўшиб ёзганлиги аниқланди. Умумий ҳисобда у ҳужжатларда 5 млн. 515 минг сўм бажарилмаган ишларни "бажарилди" деб кўрсатган эди.

Суд Зоҳир Мирмуҳамедовнинг қилмишларини кўриб чиқиб, унга энг кам иш ҳақининг 60 баравари миқдоридан жарима жазоси тайинлади.



# Қонун устуворлиги тараққиёт гаровидир

Ўзбекистон эришган ютуқлар нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторидан жой олгани фикримиз далилидир.

**Б**угунга келиб иқтисодий ётиш диверсификациялаш, тадбиркорликни кенг қўламда қўллаб-қувватлаш натижасида барча соҳалар қатори саноати ҳам жадал ривожланаётган мамлакатга айланди. Шу билан бирга, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига бўлган эътибор камайгани йўқ. Ҳар йили галла, пахта, сабзавот ва картошка, полиз маҳсулотлари, узум, мева етиштириш режалари ортиси билан бажариб келинмоқда. Буларнинг барчаси фидойий деҳқон ва фермерларимиз, барча қишлоқ хўжалиги ходимларининг машаққатли ва шарафли меҳнати маҳсулидир.

Прокуратура органлари ходимлари ҳам зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда деҳқон ва фермерларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишларни амалга оширдилар. Хусусан, олиб борилаётган назорат тадбирлари довомида асосий эътибор фермер хўжалиқларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, пахта ва галла парваршидада агротехника тадбирларининг мундтади олиб борилиши юзасидан мунтазам мониторинглар ўтказиб борилиши,

ер ажратишда қонунларга риоя қилиниши, гидротехника, мелиорация иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш учун ажратилган маблагларнинг мақсадли сарфланиши, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва нефт маҳсулотлари талон-торож қилинишининг олдини олиш, озик-овқат дастурлари ижросини таъминлаш каби масалаларга қаратилди.

Ходимларимиз сазой-ҳаракатлари туфайли фермер хўжалиқларига 923,6 млн. сўм кредит, 61,7 млн. сўм иш ҳақи, 11,2 млн. сўм нақд пул олдирди, 523 млн. сўм дебитор-кредитор қарзларини ундиришда амалий ёрдамлар кўрсатилди. Шу билан бирга, прокуратура органлари томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган 205,6 тонна минерал ўғит, 150,6 тонна нефт маҳсулотлари, 35 дона қишлоқ хўжалиги техникалари, 14,3 тонна уруғлик чигит, 4,2 тонна омухта ем маҳсулотлари қонуний асосда ажратиб берилиши таъминланди.

Нефт маҳсулотлари сақланиши юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш

органлари ҳамкорликда ўтказган назорат тадбирлари натижасида "Элликқалъа нефтбазаси" унитар корхонаси Тўртқўл филиали томонидан тумандаги фермер хўжалиқларига етказилиши лозим бўлган 2,7 минг литр дизель ёнилғиси "Имкон-Ҳамкор" масъулияти чекланган жамиятига қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасида 1 литр учун 2700 сўм ҳақ эвазига сотилаётгани аниқланиб, айбдорга нисбатан жиноят иши кўзгатилди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан 5 та текшириш ўтказилиб, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш мақсадида 8 та тақдимома киритилди, 13 нафар шахс интизомий, 2 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ва 23 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Масалан, Кегейли туманидаги "Оринбай жайлауи" фермер хўжалиги раҳбари О.Айназаровнинг шоли экиш учун шартнома тузиш ва сув етказиб беришга ёрдам беришни сўраб туман прокуратурасига ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. "Оринбай жайлауи" фермер хўжалиги ва "Чимбой дон" масъули-

Пўлат АБДИКЕРИМОВ,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
прокуратураси бўлим катта прокурори

яти чекланган жамияти ўртасида шоли етказиб бериш ва сув истеъмолчилари уюшмаси билан сув билан таъминлаш ҳақида шартнома тузилиб, О.Айназаровнинг аризаси ижобий ҳал қилинди.

Шунингдек, Беруний туманидаги "Баракат" фермер хўжалиги раҳбарининг балиқчиликни ривожлантириш учун кредит ажратишга амалий ёрдам беришни сўраб туман прокуратурасига ёзган мурожаоти ўрганиб чиқилди ва фермер хўжалигига 50 млн. сўм миқдорда кредит ажратилиши таъминланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Халқимиз меҳнаткаш, фидойи. Олдига улкан мақсадларни қўйишни ҳам, уларни рўёбга чиқаришни ҳам яхши биладиган халқ. Биз бутун халқимизнинг, ишбилармон деҳқон ва фермерларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий вазифаларимиздан эканлигини қалбдан ҳис қилган ҳолда бундан кейин ҳам қонун устуворлигини таъминлаш асосий вазифамиздир.

## Ёш мутахассислар билан амалий семинар

/Давоми.  
Бошланиши 1-бетда/

Ўз навбатида, минтақамиз ва дунёдаги ҳарбий-сиёсий вазият шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги замонда Куролли Кучларни модернизация қилиш, уларнинг жанговар тайёргарлигини, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини доимий равишда ошириб боришни таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Шу боис, ён-атрофимизда ва жаҳонда ўз бераётган куролли можаро ва тўқнашувлар, террорчилик ҳаракатлари, радикализм, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётгани ҳар биримиздан огоҳлик ва ҳушёрликни бир зум бўлса-да қўлдан бермасликни талаб этади.

Зеро, юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Бу ҳаётни ҳимоялаш керак, Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани, — аввало огоҳ бўлиш дегани".

Тадбирда шу каби ва бошқа долзарб масалаларда иштирокчиларга атрофлича маълумотлар бериб ўтилди. Шу билан бирга, республикамизда янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари, амалдаги қонунчиликка киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-мо-

ҳиятини ижрочиларга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда чегара олди ҳудудларда яшовчи аҳолига тезкорлик билан етказиб бориш юзасидан услубий тавсиялар берилди.

Шунингдек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ҳарбий хизматчиларнинг рафиқалари ва фарзандларига гамҳўрлик кўрсатиш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун кулай ташкилий ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик базасини ҳамда ҳарбий оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ишларига алоҳида аҳамият бериш масалалари ёш мутахассислар эътиборига етказилди.

Ёш мутахассисларнинг касбий маҳоратини, ўз хизмат вазифаларига бўлган масъулиятини, амалий тажриба, кўникма ва малакаларини мунтазам ошириб бориш юзасидан ўзаро фикрлар алмашилди. Ўқув-амалий семинар машғулоти давомида ёш мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволларига маърузачилардан тўлақонли жавоб олдилар.

Уч кунлик семинар машғулоти давомида Куролли Кучлар ва ҳарбий прокуратура фахрийлари ҳамда ёш мутахассисларнинг ота-оналари билан учрашув ташкил этилди. Шунингдек, ёш мутахассислар руҳий бардошлилик учун махсус тўсиқлар орқали ҳаракатланиш,

Бобир САҲАДДИНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий  
прокурорининг ёрдамчиси

тўсиқли тасмалардан ўтиш, ўқ отиш бўйича амалий машғулотларни бажариб, ҳарбий ва жисмоний тайёргарликларини синондан ўтказишди.

Тадбирда Жиззах вилоятида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларнинг офицерлари, давлат идоралари ва муассасаларининг масъул ходимлари, сенаторлар ҳамда бошқа соҳалар вакиллари ўз маърузалари билан иштирок этди. Ҳарбий қисм ва муассасаларнинг кўргазмачилиги намойиш этилди, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари ташкил этилди.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, бу каби тадбирлар ҳар бир ёш ходим шахсидаги давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган икки энг асосий мезон — топширилган вазифага масъулият билан ёндашишни ҳамда билим, малака ва тажрибага асосланган омилкорликни унутмаслик, шунингдек касбий маҳорат, ақл-заковат ва ахлоқий фазилатларни доимий равишда ошириб бориш, замон билан ҳамнафас яшаш, терроризм ва халқаро можаролар кенгайиб бораётган айна пайтда юқори даражадаги огоҳлик ва фаол фуқаролик позициясини намойиш қилиш каби жиҳатлар уйғунлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугун ишбилармон ва тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борада қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

## Амалда бор-у қозда йўқ

Хусанхон СОДИРОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг Яшнобод туман бўлими катта суршилуричиси

**Ш**ундай бўлса-да, айрим кимсалар ҳалолликка гиромликни қўшиб, янада кўпроқ даромад топишни кўзлашмоқда. Жумладан, Яшнобод туман ҳокимлигига рўйхатдан ўтиб, фаолиятини бошлаган "Oq karvon servis" МЧЖнинг таъсисчилари Мансур Мамажонов ҳамда Нозим Туропов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кўп ўтмай тегишли солиқларни тўламасликнинг йўлини қидира бошлади.

Бу шахслар туман ҳокимининг 2013 йил сентябрдаги қарорига асосан жамиятга ажратилган Ташкент ҳалқа йўли ҳамда "Қўйлик" мавзесидаги ер майдонларидан автотурагоҳ сифатида узлуксиз фойдаланиб, мўмайгина даромад қилишган бўлса-да, МЧЖнинг 2014 йил биринчи ярим йиллиги бўйича ДСИга топширилган ҳисоботларда жамият бундай фаолият билан шуғулланмаганини кўрсатишган. Улар бу билан фойда ва солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириб, биринчи ярим йилликнинг натижалари бўйича тўланиши мажбурий бўлган 260 млн. 361 минг сўмлик қатъий солиқни ҳамда 3 млн. 722 минг сўмлик ягона солиқ тўловини тўлашдан бўйин товланган.

Етмиш ёшми қоралаб қолган М.Мамажонов юқорида қайд этилган қонунбузарликлар етмаганидек, 2014 йилнинг июль ойида жамиятнинг устав жамғармасидаги улушининг тенг ярмини сотиш эвазига фуқаро Н.Туроповдан 35 минг АҚШ доллари олади. Кейин эса Н.Туроповнинг турмуш ўртоғига устав жамғармасидаги 800 минг сўмлик улушини ҳада сифатида бериб юборади. Бироқ, 81 млн. сўмдан зиёдроқ маблағни НКМдан ўтказмайди, жамият балансида ҳам кирим қилмай, ўрнакдан тартибда банкка инкассация қилмайди. Шунингдек, жамиятнинг 2014 йил февралдан 2015 йилнинг июль ойига қадар бўлган даврдаги молиявий-ҳўжалик фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни яшириб, нобуд қилади.

Халқимизда "Катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам шу йўлдан юради", деган гап бор. Қўнғирлик борсида "устоз" идан ўрناق олган Н.Туропов ўзи фаолият юритган даврда хизматлар эвазига келиб тушган 12 млн. сўм миқдордаги нақд пуллари НКМдан ўтказмай, банкка ҳам инкассация қилмай, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади. Бундан ташқари, у ҳам жамиятнинг ўзи раҳбарлик қилган даврга тегишли ҳужжатларини нобуд қилади.

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суд томонидан ҳар икки қонунбузарга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

# Ўзбўларчилик оқибати

Вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига қарашли "Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси" Давлат корхонасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги "Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари ижроси аҳволи тегишли соҳа мутахассислари жааб қилинган ҳолда ўрганилди.

Давлат корхонаси "Ўзбекгидрогеология" Давлат гидрогеология қўмитаси таркибид бўлиб, 1977 йилда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 январдаги "Геология-қидирув ишларини ташкил қилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат Қўмитасининг 2007 йил 25 январдаги 11-сонли буйруғига мувофиқ "Ўзбекгидрогеология" ДГҚнинг тузилмавий бўлимлари таркибидан ажратилиш йўли билан мустақил "Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси" Давлат корхо-

наси сифатида қайта ташкил этилган.

Корхона белгиланган тартибда бургулаш, тажриба-сиздириш, лабораторияга оид, топографик-геодезик ва бошқа ишларни, гидроминерал хомашё ҳамда сановат сувларидан фойдали компонентлар ажратиб олиш ишларини бажаради. Шунингдек, халқ хўжалиги учун зарур бўлган ерости чучук, кам шўрланган, минерал ва термал ерости сув манбаларини аниқлаш учун гидрогеологик суратга олиш, ерости сувларини излаш, баҳолаш, қидириш ва регионал гидрогеологик тадқиқот ишларини олиб боради ҳамда шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг буортмалари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиб, лаборатория ва бошқа ишларни амалга оширади.

Текшириш жараёнида корхона томонидан амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, айрим қонун бузилиши ҳолатларига ҳам йўл қўйиб келинганлиги аниқланди.

Жумладан, Давлат корхонасида бюджет маблағларининг мақсадли сарфлашни ўрганилганда, Тошкент Давлат техника университети талабаси Т.Михлиевни 2013 йилдан 2016 йил 1 январгача бўлган даврда 0,5 ставка техник гидрогеолог вазифасига, Ўзбекистон Миллий университети талабаси Н.Раҳимовни 2014 йилдан 2016 йил 1 январгача бўлган даврда 0,5 ставка техник гидрогеолог вазифасига ишга қабул

қилиб, аслида ишламаган бу икки шахсга асоссиз равишда 9 млн. 849,6 минг сўм маош тўлангангани аниқланди. Давлат бюджети ҳисобидан "саховат" кўрсатган жавобгар шахслар корхонага қарашли "Мангузар" Гидро-геология партиясига томонидан 2012-2015 йиллар давомида Сурхондарё вилояти ҳудудида бажарилган ишлар бўйича тузилган далолатномага 37 млн. 649 минг сўмлик бажарилмаган ишларни қўшиб ёзадилар. Шунингдек, улар ушбу партия томонидан бажарилган ишлар бўйича тузилган далолатномада ҳам тақдор "ўз услуб"ларини қўллаб, 22 млн. 27 минг сўм миқдорида ортиқча маблағ сарфини киритишади. Ноконуний ҳаракатлар шу билан тўхтамайди. Корхонага қарашли Қизилқум Гидрогеология станцияси томонидан 2015 йил давомида Навоий вилояти ҳудудида бажарилган ишлар бўйича 57 млн. 531 минг сўмлик қувурлар ўрнатилганлиги қайд этилган бўлиб, аслида ҳисобхона ҳисоботлари бўйича қувурлар харажати 50 млн. 446 минг сўмни ташкил этади. Бу далолатномада қўшиб ёзиш натижасида бюджет маблағлари ортиқча олинганлиги маълум бўлди.

Корхонада нефт маҳсулотларидан фойдаланиш аҳволи ҳам талабга жавоб бермайди. Хусусан, корхона оғир мудир К.Мардоновнинг жавобгарлигида бўлган 262 минг 725 литр нефт маҳсулотларида

камоматда йўл қўйганлиги аниқланди.

Бир хато иккинчисини етаклаб келаверади. Масъуляти унутилган жойда эса кўпинча, жиноятчилик индиз отади. Текширишда корхона ҳисоботида бўлган транспорт воситаларида расмийлаштирилган йўл ва рақаларига юрилмаган йўл масофалари қўшиб ёзилгани, ёқилги маҳсулотларини асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш ҳолатлари ҳам маълум бўлди.

Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳам ушбу корхонада тўла таъминланмаган экан. Жумладан, корхона маъмурияти 191 нафар ишчи-ходимнинг 2015 йил декабрь ва 2016 йилнинг январь ойи учун 272 млн. 628 минг сўмлик иш ҳақини тўлаш чорасини қўрмаганлиги аниқланиб, қардорлигини ундириш борасида фуқаролик ишлари бўйича Қонун тизимлари судига ариза киритилди.

Хар қандай инсон ёрдамга эҳтиёж сезганда ёки бирор ишга аниқлик киритиш мақсадига ўзи ишлаб турган корхонага мурожаат қилади. Мазкур корхонада эса ариза, шикоят ёхуд хатлар ҳам эътибордан четда қолиб кетаверган. Жумладан, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддаси талабларига зид равишда ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида,

Насрулло НАСРИДДИНОВ,  
Бухоро вилоят прокуратураси  
бўлим катта прокурори

қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши қайд этилган бўлишига қарамай, корхона қоровули М.Ражабовнинг 2015 йил 22 апрелда моддий ёрдам ажратиш тўғрисидаги мурожаати ўрганиш кунига қадар кўриб чиқилмаган. Шунингдек, ишчилар А.Пўлатов, М.Ибрагимов ва Ж.Ҳайитовларнинг мурожаатлари ҳам вақтида ўрганилмай на жавоб хати юборилган ва на қаноатлантирилган.

Ваҳоланки, қонуннинг 23-моддасида мурожаатни кўриб чиққан давлат органи мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши шартлиги белгиланган бўлишига қарамай, раҳбарлар қонун талабига панжа орасидан қарашган.

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, қонунга зид равишда қабул қилинган буйруқларга нисбатан 5 та протест келтирилди. Аниқланган қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш тўғрисида 1 та тақдимнома киритилди, 3 нафар шахсга нисбатан маъмурий, жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят иши кўзатилди.

## Тараққиёт сари дадил қадам

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг республика-миз иқтисодиётидаги ўрни тобора мустақамланиб бораётгани бугун барчамизга аён. Бунга эришишда юртимизда соҳа вакилларига яратилган қулай шарт-шароит, берилётган кенг имконият ва имтиёзлар муҳим омили бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари раҳнаомалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил ислохотлар аллақачон ўз самарасини бера бошлади.

Шуниси қувонарлики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамастан, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш барқарор ўсишининг таъминланаётгани мамлакат танлаб олган йўлнинг нақадар тўғри эканлигини тасдиқлайди. Мисол учун, 2015 йилда ялли ички маҳсулот 8 фоиз, саноат товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш қарийб 7 фоиз ўсган.

Ўтган йиллар мобайнида мазкур тармок мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим бўлинига айланди. Бу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш борасида яратилётган ҳуқуқий асосларни, давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатни алоҳида эътироф этиш жоиз.

Юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасида хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда,

Президентимиз таъкидлаганидек, эскича бошқариш усулларидан воз кечиб, имкониятлардан унумли фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш вақти келди.

Андижон вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид Президентимиз фармон ва қарорлари, шунингдек, Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, тадбиркорларнинг молия-ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуш, уларга тўсқинлик қилиш ва ҳуқуқларини бузиш каби ҳолатларнинг олдини олиш, бундай қонун бузилиши аниқланган тақдирда, айбдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини ноқонуний текшириш ёки аралашуш, уларга тамағирлик қилиш ва ортиқча мажбурият юклаш каби ҳолатларга қарши курашиш ҳам вилоят прокуратураси органларининг кун тартибидagi масалалардан биридир. Бу каби ноқонуний ишларга қўл ураётган шахсларни фож этишга қаратилган тадбирлар ҳам ўз самарасини

бермоқда.

Масалан, Олтинқўл тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари К.Бозоров ва Б.Холмирзаева бош врач Р.Мўминовнинг 2016 йил 13 январдаги буйруғи асосида "Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш" розилигини олмасдан, яқка тадбиркор М.Раҳимовнинг "автомашина ювish майдончаси"га бориб, унинг фаолиятини атрофчида ўрганишади ва якунига кўра маълумотнома расмийлаштиришади.

Худудий прокурорнинг 2016 йил 26 февралдаги қарори асосида марказ бош врач Р.Мўминов, ходимлар К.Бозоров ва Б.Холмирзаева маъмурий жавобгарликка тортилди.

Жорий йилнинг февраль ойи мобайнида тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланган ҳуқуқий чоралар ва молиявий санкциялар ҳамда уларнинг фаолиятига оид ҳужжатларнинг қонунийлиги ўрганилиб, ноқонуний ҳужжатлар бекор қилинди ва айбдорларнинг жавобгарлиги таъминланди. Жумладан, Марҳамат туман ҳокимининг 2016 йил 8 февралдаги қарори асосида чорвачиликка ихтисослашган 7 та фермер хўжалигининг 22 гектар, паррандачиликка ихтисослашган 1 та фермернинг 1 гектар, 17 та сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжалигининг 42,4 гектар экин майдонларига қонунчиликка зид равишда ғўза навларини жойлаштириш режалаштирилган.

Шу каби, Булоқбоши туман ҳокимининг 2016 йил 9 январдаги қарори асосида чорвачилик йўналишидаги 2 та фермернинг жами 7 гектар ерига қонун талабларига зид равишда

Зокиржон ИСМОИЛОВ,  
Андижон вилоят прокуратураси  
бўлим прокурори

ғўза экиш белгиланган.

Яна бир ҳолат. Яқка тартибдаги тадбиркорлар Б.Оқбоев ва А.Эргашевда ижро ҳужжатини беш кунлик муддатда ихтиёрий равишда ижро этиш ҳуқуқи бўла туриб, уларга нисбатан суд ижрочилари Пахтаобод туман бўлими бошлигининг 2016 йил 4 январдаги қарори асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси билан 1,9 млн. сўмдан жарима жазоси қўлланган.

Юқорида қайд этилган қонунга зид қарорлар худудий прокурорларнинг протестлари билан бекор қилиниб, 29 та тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркор ва фермерлар иштирокида 93 маротаба учрашув ўтказилди. Ушбу йўналишда ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, қонунга зид бўлган қарорларга нисбатан 11 та протест келтирилди. Аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш юзасидан 1 та тақдимнома киритилди. 4 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топилш ва ер майдони ажратиш мажбуриятини юк-лаш масаласида судга 1 та давво аризаси киритилди ва 48 нафар тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.



# Сайлов юқори савияда ўтади

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланишига санокли кунлар қолди. Маҳаллалар ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён бўлган бу тадбирга мамлакатимиз бўйлаб юқори савияда тайёргарлик кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида мазкур комиссия аъзоси Абдураҳмон Бобоев ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тузилманинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Нафақат маҳалла фаолияти билан боғлиқ, балки уни бошқарадиган масъул шахсларни сайлаб қўйишнинг демократик ҳуқуқий асоси яратилди.


Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунда сайловга тайёргарлик кўришдан бошлаб уни ўтказишга бўлган барча жараён тартибга солинган. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ сайлов жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтади.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни юқори савияда ташкил этиш учун Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилган ва унинг таркиби тасдиқланган. Мазкур комиссия томонидан сайлов

га тайёргарлик билан боғлиқ кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш борасида энг муҳим талаблар ҳамда мақсадли вазифалар фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўқис рўёбга чиқаришдир. Ушбу мақсадда барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланган Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасига мувофиқ маҳаллаларда аҳолининг барча қатламини қамраб олган ҳолда сайловнинг аҳамияти, бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқларини тўшунтиришга қаратилган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, айниқса, сайловда оид ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутди. Шунини инобатга олган ҳолда соҳа ходимлари-



нинг малакасини оширишга қаратилган семинар-тренинглари ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирларда маҳалла институти, соҳага оид қонун ҳужжатлари моҳияти, маҳалла сайловининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатларининг тарғиботи бўйича ҳам ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Шу асосда газета ва журналларда мақола ва суҳбатлар, телерадиоканалларда токшоу, кўрсатув ва эшиттиришлар, интернет сайтларда сайлов билан боғлиқ материаллар бериб борилмоқда. Кўмаклашувчи комиссиялар ҳузурида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичларида очиқлик ва ошкoralигини таъминлаш

мақсадида сайловларни ёритишга масъул бўлган ахборот хизматларининг фаолияти йўлга қўйилгани бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Сайлов жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолият даражаси муҳим омидир. Бунда ошкoralикни таъминлаш, энг муносиб номзодларни қўллаб-қувватлаш учун адолатли муҳитни яратиш зарур. Бу эл-юрт гамида ёниб яшайдиган, фидойий инсонларни фуқаролар йиғини раиси этиб сайлаш имкониятини яратди.

Сайловнинг энг муҳим аҳамиятга эга жиҳати бу — фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйилаётган талаблардир. Бундай шахс ўз худудиди яшайдиган фуқароларнинг дунёқароши, тафаккурини, уларнинг орзу-этишларини яхши билладиган, шу интилишларни рўёбга чиқаришга қодир, катта ҳаётий тажрибага, кенг ва чуқур билимга эга бўлган, маҳалланинг муаммоларини чуқур таҳлил қилиб, негизига етиб боради-

ган инсон бўлиши лозим.

Фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчилари ҳам қонун талаблари асосида сайланиши керак. Зеро, фуқаролар йиғинлари томонидан шакллантириладиган органлар тизимида маслаҳатчилик етакчи ўринни эгаллайди.

Маслаҳатчилар тегишли фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи худудиди яшаши ва доимий рўйхатдан ўтган бўлиши шарт. Ишчи гуруҳ томонидан фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси лавозимига номзодларни шакллантиришда алоҳида эътибор Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида белгиланган талабнинг таъминланишига ҳам қаратилиши керак. Унга кўра, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишларини бўйича комиссияларга раҳбарлик, қоида тариқасида, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари томонидан амалга оширилади. Маслаҳатчилар учун овоз бериш сайлов кунини фуқаролар йиғини раиси сайлангандан сўнг амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, сайлов жараёнида қонун талабларига тўла риоя этиши, унинг юқори савияда ўтишига ҳисса қўиши нафақат шунга масъул шахсларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Чунки бу муҳим тадбирда кутилган натижага эришиш келгусида маҳаллаларини раивлантириш, биринчи радамда мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

Норгул Абдураимова,  
ЎЗА

## Тошкентда медиа кунлар бошланди

25 апрелдан 11 майгача пойтахтимизда Жаҳон матбуот эркинигини кунига бағишланган медиа кунлар бўлиб ўтмоқда.

Тадбир Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ЕХТНинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, К.Аденаузэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ҳар йили 3 майда дунёнинг юздан ортиқ давлатида БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1993 йилда эълон қилинган Жаҳон матбуот эркинлиги кунини нишонланади.

Тадбир доирасида Президентимиз Ислоом Каримов томонидан илгартирилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг ривожлантириш концепциясида белгиланган берилган вазифаларни амалга оширишнинг амалий жиҳатлари муҳокама этилиб, бу борадаги тажриба ўрганилади.

Бундан ташқари, Соғлом она ва бола йилига бағишланган семинарлар, ижтимоий лойиҳалар тақдимотлари, халқаро ва миллий экспертлар, нодавлат теле ва радиокорпорациялар ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, турли фестивал ҳамда танловлар ўтказилади.

"ОАВ ижтимоий мулоқот, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида" мавзусида ўтказиладиган халқаро конференция муҳим тадбирлардан биридир. Конференциянинг шўъба йиғинларида фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, ҳокимият ва бошқарув органларининг қабул қилинадиган қарорлар учун масъулиятини ошириш, давлат органлари фаолиятининг очиқ ва ошкoralигини таъминлашга қаратилган ижтимоий медиа-контентни шакллантиришда ОАВни рағбатлантириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилади. Шўъбалар иши якунида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга доир тақлифлар ишлаб чиқилади.

Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси нодавлат телерадиостанцияларнинг рақамли кўрсатув ва эшиттиришларга ўтиши бўйича лойиҳани тақдим этади. Шунингдек, "Журналистлар баҳори" фестивали ҳам бўлиб ўтади.

Мамлакатимизда етиштириладиган мева-сабзавотлар саломатлик учун фойдали микроэлементлар, озиқ-овқат рационали ўринини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги туфайли ноёблар.

## Экологик тоза маҳсулотлар — бозор талаби



Пойтахтимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасида мақбул қишлоқ ҳўжалик амалиётини жадаллаштириш ва органик қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш учун институционал имкониятларни ошириш" лойиҳаси доирасида ўтказилган тренингда шулар ҳақида сўз юритилди.

— Халқимизнинг деҳқончилик ва боғдорчилик аънаналари биологик тоза маҳаллий ўғитлардан фойдаланишга асосланган, — дейди Қишлоқ ва сув ҳўжалигида стандартлаштириш маркази директори Анвар Жуманов. — Минерал ўғитлар, пестицидлар ва шу каби воситаларни қўлламасдан, экологик соф ва табиий мазали мева-сабзавотлар етиштирилмоқда. Лойиҳа-

миз доирасида юқори қийматли маҳсулотларимиз учун янги бозорлар кашф этилиб, барқарор ҳамкорлик ўрнатилди.

Поллиз экинлари, мева-сабзавотчилик соҳасида еришилаётган ютуқлар хорижий давлатлар олим ва мутахассисларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистонда яратилган кўплаб янги навлар Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларида ҳам районлаштириладиган бунинг далилидир.

— Озиқ-овқат экинлари майдони кенгайтириладиган, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш сановати жадал ривожланмаётгани эътиборга сазовор, — дейди БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти вакили Ҳафиз Мўминжонов. — Бу нафақат Ўзбекистон, балки бошқа мамлакатларда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Йўлга қўйилган ҳамкорлик фермерларнинг янада мўл ва экологик тоза маҳсулот етиштириши орқали экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилади.

Анжуманда ҳамкорликдаги илмий изланишлар ва ўзаро тажриба алмашишни янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Қонунларимизда жиноятчиға ҳукм ўқиш чоғида, энг аввалло, бир қатор жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳам инобатта олиниши қайд этилган. Бу, албатта, қонунбузарнинг келгусида зулмат кўчаларға қайта бош суқмаслигини таъминлашда асосий омили вази-фасини ўташи кўзда тутилган. Афсуски, орамизда ўзига берилган ишончини сунистеъмола қилиб, аввалги қинғир ишларига такор қўл ураётганлар ҳам учраб турибди.

## Қўшни тумандаги «ОВ»

Жаҳонғир ШЕРМАТОВ,  
СВОЖЖДЛКК департаментининг  
Бўстонлик туман бўлими бошлиғи

Юкори чирчилик Латиф Остонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам шундайлардан экан. Бу шахс аввал ҳам икки мартаба жиноят содир қилиб, суднинг қора курсисига ўтирган ва амнистия актига кўра жазодан озод қилинган эди. Бу сафар у яна жиноятнинг қоронғу кўчаларига киришга иккиланмади. Боиси, Л.Остонов давлатимизнинг кечиримидан ўзига тегишли хулоса чиқармаган экан.

Ўттиз беш ёшни қарши олиб ҳам ақли қирмаган Латиф ўзининг фирибини ишга солиш учун Бўстонлик туманининг Фазалкент шаҳрига йўл олади. Бу кимса ушбу ҳудудда турли ишлар қилиб юриб, маҳаллий аҳолининг ишончига жуда тез қиради. Одамлар орасида гўёки, ўзини барча ишларни осонгина битириб берадигандек, кўрсатишга эриша олган Латифнинг қармоғига биринкетин соддадил инсонлар келиб илинаверади.

Ўтган йилнинг июль ойида фуқаро Динара Шамилова отаси Наил Шамилов билан хориджадаги қариндошларининг олдига тезда бориши керак бўлади. Бунинг учун улар тегишли жойдан фуқаролик паспортларига чет мамлакатларга чиқишга рухсат берувчи виза кўйдиришлари керак эди. Буни эшитган Л.Остонов Наил ва Динара Шамиловани фирибгарлик йўли билан алдаб, Тошкент вилоят ИИБнинг хориджа чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида таниши борлигини айтади. Гўёки уяли телефонида ўша одам билан гаплашгандек бўлиб, хизмат ҳақи эвазига улардан 100 АҚШ доллари ҳамда 300 минг сўм пулларини олиб, жуфтакни ростлайди.

Латифнинг тўрига фуқаро Соҳида Холиёрова ҳам осонгина илинади. Шамиловлардан ундирган пулига дала ҳовлида машаат қилаётган Л.Остонов ўша ердаги уйлардан бирида ижарада турган С.Холиёровани ҳам арзонга ўй олиб бераман, дея 2 минг 700 АҚШ долларини олди-ю, ваъдасини эсдан чиқарди. Бирок, С.Холиёрова Латифни тинч қўймади. Ундан пулини талаб қилаверди. Мана шу жараёнда фирибгар яна бир найрангни ўйлаб топади. Уй масаласи ҳал бўлмади, деб гани бошқа томонга боради, фирибгар. С.Холиёровага берган пулига яна 300 АҚШ доллари қўша, ўғлини олий ўқув юртига қиритиб, қўйишини айтади. Яхшиямки, С.Холиёрова ушбу пулларни унинг қўлига тутқазиб юбормайди. Бу ҳолат ҳақида тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади.

СВОЖЖДЛКК департаментининг Бўстонлик туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда жабрланувчидан 300 АҚШ долларини олаётган вақтида Л.Остоновнинг қўлларига кишан солинди. Суд фирибгарликни касб қилган бу шахсга нисбатан жазо тайинлаб, ҳукм ўқиди.

# Тўғри ишдан барака келади

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакиллари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилмаётган алоҳида эътибор маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, энг муҳими, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда. Уларнинг ҳуқуқлари давлатимиз қонунлари асосида доимий ҳимоя қилинмоқда. Лекин тадбиркор мақомига эга бўлган баъзи кимсалар ноқонуний бойлик орттириш мақсадида ўз мажбуриятларини унутиб, жиноят кўчасига қирмоқдалар.

Жумладан, 2012 йилда Юнусобод туман ҳокимлигиндан рўйхатдан ўтиб, масъулияти чекланган жамият ташкил қилган Бобомурод Аллаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) юртимизда тадбиркорларга яратилган имкониётлардан фойдаланди-ю, амал қилиниши керак бўлган қонун ва ҳужжатларни бир чета га сурди. У дастлаб МЧЖга кириш қилинган 53 млн. сўмлик ўсимлик

ёғини нақд пулга сотиб юборди ва пулларини банк муассасасига топширмади. Б.Аллаев биргина ушбу ноқонуний ҳаракати билан давлат бюджетига 2 млн. 650 минг сўмлик ягона солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлайди.

Текширишларда Бобомуроднинг бошқа қилмишлари ҳам ошкор бўлди. Бу шахс қонунга зид равишда МЧЖнинг низом жамғармасига

қўйилган 144 млн. 958 минг сўмлик товар-моддий бойликларни нақд пулга сотиб юборган экан. Унинг қилмишлари шу билан ниҳояланмайди. Б.Аллаев жамият фаолияти бўйича тузилган ҳисоботларда маҳсулотлар айланмасини 2012 йилда 160 млн., 2013 йилда 565 млн. 120 минг сўмга камайтирган ҳолда кўрсатади. Натигада 117 млн. 588 минг сўмлик ягона солиқ тўловлари давлат бюджетига тўланмади.

Суд томонидан Б.Аллаевга тегишли жазо тайинланди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, айниқса, ёшларни ушбу соҳага жалб этиб, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада республикамизда қабул қилинган қонун ҳужжатларида хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларда солиқ, божхона ва рўйхатдан ўтказиш бўйича бир қатор имтиёзлар белгилаб қўйилган. Шундай бўлса-да, назорат идораларининг баъзи ходимлари ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашмоқдалар.

## Имтиёз қўлламаган ходимлар

Айбек ИБРАГИМОВ,  
СВОЖЖДЛКК департаментининг  
Ховос туман бўлими катта сурштирувчиси

Жумладан, СВОЖЖДЛКК департаментининг Ховос туман бўлимига фуқаро Алишер Бобоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ариза билан мурожаат қилади. Аниқланишича, унинг невараси Ботир Бобоев тумандаги "Гулбахор" қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежини ўтган йилда тугатиб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, ноозиқ-овкат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритган ва Гулбахор ҚФЙ ҳудудида жойлашган савдо шохобчасида фаолиятини бошлаган. У рўйхатдан ўтгандан кейин белгиланган муддат ичида Ховос туман Давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғи Валижон Келдиевга мурожаат қилиб, тегишли ҳужжатларни тўлиқ тақдим этади ва ўзига нисбатан қонунчиликда белгиланган имтиёзлар қўлланиши сўрайди. Бирок, яқка тартибдаги тадбиркорнинг ушбу мурожаатини ДСИ ходимлари рад этадилар.

Мазкур ариза юзасидан олиб борилган терговди текширувида Ховос туман ДСИнинг жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғи В.Келдиев ва бўлим бош инспектори Соҳиб Исмаилов Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддаси 6-қисмига зид равишда, ёш тадбиркорга берилган имтиёзларни қўлламасдан келганликлари маълум бўлди.

Шунингдек, ДСИ ходимлари томонидан Б.Бобоевга фаолиятининг дастлабки 6 ойида даромад солиғи тўлашдан озод этиб, имтиёз қўллаш ўрнига, ўтган йилнинг сентябрь ойидан 31 декабрь кунига қадар унинг ҳисоб рақамидан электрон инкасса орқали даромад солиғи учун 931 минг 518 сўм пул маблағлари олинган.

Ушбу ариза бўйича олиб борилган текширишда яқка тартибдаги тадбиркор Б.Бобоевнинг бузилган ҳуқуқи тикланди. Унинг ҳисоб рақамидан мажбурий тарзда олинган маблағлар банк филиалидаги ҳисоб рақамига қайтарилди. Мазкур ҳолатга йўл қўйган туман ДСИнинг икки нафар ходимига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилиб, уларга нисбатан жазо муқаррарлиги тасминланди.

## «Рози қиламан, деганди...»

Олимжон РАҲМОНОВ,  
СВОЖЖДЛКК департаментининг  
Наманган вилоят бошқармаси инспектори

2015 йилнинг ёзи. Чилла пайти бўлганиги сабабли кун забтига олиб, тоғли ҳууд санаммиш Мамай қишлоғида ҳам кундуз кунлари нафас олиб бўлмади қолди. Шу боис, Аббор Шамсиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳонага совутгич сотиб олиш мақсадида Наманган шаҳридаги "Сардоба" бозори ҳудудида жойлашган "Мегаполис" савдо мажмуасига борди. Дўконларни айланиб юриб Наманган шаҳрида яшовчи, айна пайтада шу мажмуада савдо-сотиқ билан шуғулланиб келаётган Нормурод Маматов билан танишиб қолди.

Нормурод Абборнинг Мамай қишлоғидан эканини эшитиб, беихтиёр юзига айёрона кулгу югурди:

— Э, укам, шуни эртарақ айтмайсизми? Билганимда, бу матоҳнинг нархини сиз билан тортишиб ўтирмасдим!

Аббор унинг нима учун бирданига ўзгариб қолгани сабаби ва мудоасини тушунмай тургани, Нормуроднинг ўзи тезгина "ёрила қолди".

— Энди... ука, сизда озгина иш бор... Агар шуни битириб беролсангиз, бу буюмнинг нархини ҳам анча арзон қилиб берман. Кейин... хизматингизга яраша рози ҳам қиламан...

У шундай деганча атрофга ўғринча бир қараб олиб, Абборга яқинроқ келди.

— Менда анчагина доллар бор, Нанайдан товар сотиб олишим керак. Шу пулни "Заркент" божхона постидан ўтказиб берсангиз, сизни рози қиламан.

Бу таклифни эшитган Аббор ўйланиб қолди. Янгиқўрган туманининг Нанай қишлоғига "Заркент" божхона пости орқали ўтилади.

Ажаб, Аббор шу сонияда ҳамкорлик ортдан қанча маблағга эга бўлишини ўйларди-ю, бу иш жиноят экани, қилмиши фош бўлиб қолса, жинойи жавобгарликка тортилиши ҳақида жиддийроқ ўйламасди. Аслида "ўйламасди" десак, хато бўлар. Чунки унинг хавотири бор эди. Бирок нафс устун эди — Нормуроднинг таклифига кўнди.

Ўша кун улар ўзаро тил бириктириб, телефон рақамларини алмашдилар ва қайси кун ичрашиш ҳақида ҳам келишиб олдилар.

Орадан бир ҳафта ўтган, Нормурод Абборнинг уяли телефони кўнғироқ қилди.

— Мен постдан пастроқдаги коллеж рўпарасида турибман, кела оласизми?

Аббор шу захотиёқ айтилган манзилга етиб борди. У Нормуроднинг қўлидаги полиэтилен пакетдаги гуручни олар экан, ичига 24 минг 704 АҚШ доллари яширилганини билгаб, бироз хушёр тортиди.

— Сиз постдан ўтиб олган, мени кутиб турасиз. Ўша ерда учрашамиз, — деди Нормурод унга киши билмас шипшиб.


Аббор бироз тараддуллиниб олган, қўлидаги целлофан пакетни маҳкам ушлаганча пост томонга юриб кетди. Бирок назоратчиларга яқинлашиши билан ўзи томонга келаётган божхона ходимларини кўрди-ю, қўл-оёғи қалтирашга тушди. Улардан бири: "Тўхта!" дегач эса, бутунлай ўзини йўқотиб қўйди ва қоча бошлади.

Ҳеч фурсат ўтмай Абборни қўлига олишди. "Сени рози қиламан, дегани учун..." дерди у нуқул. Буни узокдан кузатиб турган Нормурод ҳам қочиб қолганди, уни ҳам тутиб келишди.

Ҳолислар иштирокида гуруч ораси текширилганида, ундан 24 минг 704 АҚШ доллари топилди. Икки ҳамтовок суд ҳукмига кўра жинойи жавобгарликка тортилди.



# Ноқонуний текшириш жавобгарликка сабаб бўлади



Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, соҳа ривожини таъминловчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунлар, "Назорат қилувчи органлар томонидан яққа тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар орқали назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашмаслиги кафолатланади. Текширишларни ўтказиш асослари, даврийлиги, муддатлари белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда қаратилган мустақам қонунчилик базасининг яратилиши билан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади.

Тадбиркорлик фаолиятини, банклардаги ҳисоб varaқлар бўйича операцияларни тўхтайтиш бўйича, молиявий санкцияларни қўллаш, солиқ ва йиғимларнинг тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня белгилаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялардан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтайтиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш ҳуқуқларининг судларга ўтказилиши бу борада муҳим қадам бўлди.

Эндиликда акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектларини фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлардан ташқари янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатида олинган пайдадан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайдиган бўлди.

Қайд этиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, тадбиркорларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик шакллари ўзгарди. Яъни Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал

ривожлантириш йўлидаги тўсқинликни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа жиноятлар" номи алоҳида XIII бобнинг киритилгани тадбиркорларнинг янада эркин фаолият юритишида таъсирчан омил бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, Жиноят кодексининг 192-моддаси билан тадбиркорлик субъектларини фаолиятини текширишининг ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишининг белгиланган тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги норма аниқлаштирилди. Эндиликда тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ноқонуний текширишлар ташаббуси билан чиқиш ва уларни ўтказишда, яъни ўтказишни қонунчиликда кўзда тутилмаган ҳар қандай текширувлар мазкур модда билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мустақамлаб қўйилди.

Кодекснинг 192-моддасида назарда тутилган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисоб varaқлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтайтиш ёки 192-моддасида назарда тутилган назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларининг пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни хомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш учун ҳам жиноий жавоб

Абдурайҳон МУҲАММАДИЕВ,  
Нишон туман прокурори

гарлик белгиланди. Умуман олганда, мазкур бобда тадбиркорлар фаолиятидаги қонунга хилоф текширишлар учун қатъий жавобгарлик масалалари яхлит кўрсатиб берилди.

192-моддада эса лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан, лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга хилоф равишда жорий этиш ҳақидаги жиноятлар учун жиноий жазо чоралари белгиланди.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳам "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик" деган XVI боб билан тўлдирилди.

Ушбу бобнинг 241-241<sup>11</sup>-моддаларида хусусий мулк ҳуқуқларини ва тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) тартибини бузганлик, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банк ҳисоб varaқлари бўйича операцияларни ноқонуний тарзда тўхтатганлик, тадбиркорлик субъектларини хайрига ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилганлик, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, имтиёзлар ва преференциялар қўллашни гайриқонуний равишда рад этганлик, уларга тўсқинлик қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларга пул маблағлари берилишини асоссиз чекитирилганлик, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлик, тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузиб, ҳужжатлар талаб қилганлик, тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб varaқларидаги пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни асоссиз талаб қилганлик, қўчмас мулкни бузиб ташлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, ишбилармонлик салоҳиятини ривожлантириб, шу орқали ҳамият ва давлат равнақига ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш учун замирида, албатта, мамлакатимиз иқтисодий ривожлантириш, халқнинг турмуш фаровонлигини оширишдан иборат эзгу мақсад турибди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат ҳисобланади. Мазкур қонун эса бу борада мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

Истиқлолнинг ўтган давр мобайнида эришган муваффақиятларимизнинг бош омили нимада? Қандай улғувор мақсадларни кўзлаб олган интилямпимиз? Кеча ким эди бугун ким бўлди? Истиқлол ҳаётимизда, онгу тафаккуризмизда қандай ўзгаришлар ясамоқда? Бу саволларга кундан-кун чирой очиб бораётган юртизмиздаги бунёкорлик, ободончилик, улкан ютуқлар ва энг муҳими, тинчлик-осойишталик мисолида жавоб қайтариш мумкин.



## Ютуқларимиз салмоқли

Нилуфар НИЁЗОВА,  
«Huquq»

Таъкидлаш жоизки, бугун чинакам саодатга эришдик. Юртдошларимиз эмин-эркин ишлаб, меҳнатининг роҳатини кўрапти. Бир-биридан кўркам иморатлар соляпимиз, тўкин дастурхон ёзиб тўйлар қилляпимиз. Одамларимиз бугунидан рози, эртасидан кўнгли тўк. Қуриляётган мактаб-у коллежларни айтаёйсизми?! Кўркамлиги-ю жиҳозларини кўриб ҳавасингиз келади. Бундай қулайлик, имкониятларини санаб саногига етолмайсиз. Шуларнинг бари — ёшларимиз, фарзандларимиз, келажагимиз эгалари, уларнинг бахт-саодати учун!

Боланинг истеъдодсиз бўлмайди. Ҳамма гап ундаги қобилиятни илғаб, маълум соҳага йўналтири билишда. Бунда отоналар, устозлар билан бир қаторда, турли ташкилотлар, жумладан, бадий ижодиёт марказлари, фан ва ҳунар сирларини ўргатишга ихтисослаштирилган тўғарақларнинг ҳам муҳим ўрни бор.

Маълумки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида келажагимиз эгалари бўлиш ёшларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мактаб таълимига, фарзандларимизнинг ҳар томонлама билимли, салоҳиятли бўлиб камол топишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топмоқда. Юртизмизда узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши натижасида мустақил фикрловчи, ўз ақли, тафаккури ва салоҳиятини тўла намоён эта олувчи, кенг дунёқарашга эга баркамол шахсини тарбиялаш умуммиллий мақсадга айланди. Ушбу хайрли ишларда юқорида биз эътироф этган муассасаларнинг ҳам аҳамияти беқисс. Яъни ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмуни ўтказиш, уларни касб-ҳунарга йўналтиришда мазкур ташкилотлар жуда фаол.

Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган пурмаёно сўзлари бугун мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси йўлида қатъий қоида, муҳим мезонга айланган. Зеро, униб-ўсаётган ўғил-қизларни бежиз навнихолга қиёслашмайди. Шу сабабли юртизмизда ёшлар қамоли масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Дарҳақиқат, фарзандларимиз учун яратилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар миқёси ниҳоятда кенг. Бунинг замирида келажагимиз таъини ва суячини — ёшларимиз тақдирига бўлган юксак эътибор мужассам.

Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" спорт мажмуасида бўлиб ўтган тадбир жараёнида юқоридаги фикрлар бир-бир хайлимдан ўтаверди. Минглаб спортсевар ёшлар, мурабийлар курсовида турган, ўтган йили Катарнинг Доха шаҳрида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида қатнашиб, юртизмизга кумуш медал билан қайтган ҳамюртимиз Муроджон Аҳмадалиевга ҳавасла боқарканман, ёшларимиз ўзлари учун яратиб бериляётган имкониятлардан тўлақонли фойдаланаётгани, билдириляётган ишонччи оқлаётгани, энг муҳими, умид ва орзуларимиз ушалаётганига яна бир бор амин бўлдим.

Тантанада Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Хайрулло Бозоров қатнашиб, ўз сўзида мамлакатимизда спорт соҳасида олиб бориляётган ислохотлар соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилаётгани, Ўзбекистон бу борада катта таъриба майдонига айланаётганини таъкидлади.

/Давоми 10-бетда/

# Ҳуқуқий асослар мустақкамланмоқда

Мамлакатимиз молия тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш сёлатини изчил юритилиши ва бозор инфраструктурасининг такомиллаштирилиши натижасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг комплекс ҳуқуқий асоси яратилди.

Бугунги глобаллашув жараёнларида жаҳон иқтисодийётида кечаётган салбий тенденциялар ва таҳдидларга қарамастан мамлакатимизда иқтисодийётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш асосида замонавий корхоналар барпо этилиб, уларда илгор бошқарув усул ва услублари жорий этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ақциядорлик жамяятларида молиявий бошқарув ва замонавий менежментнинг янги механизмлари асосида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобининг мукамал юритилишига ва ишончли молиявий ҳисоботларга таянади.

Соҳада тўпаланган миллий ва хорижий тажриба бухгалтерия ҳисобини ташкил

қилиш, юритиш ва ҳисоботларни тузиш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни талаб қилди.

Маълумки, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ҳўжалик операцияларини назорат қилиш, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш, шунингдек бухгалтерия ҳўжатларини сақлаш бўйича муносабатлар 1996 йилда қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қатор қонун ҳўжатлари билан тартибга солинаётган эди.

Шу билан бирга, мазкур қонуннинг айрим нормаларини амалда қўллашда бошқа қонун ҳўжатлари билан номувофиқликларнинг мавжудлиги ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари фаолиятида бухгалтерия ҳисобига оид айрим муаммоларни келтириб чиқарди.

Хусусан, Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш, ҳисоб ҳўжатларини ва молиявий ҳисобот шакллари юритиш билан боғлиқ қатор тартиб-таомиллар ўзгарди.

Замонавий бошқарувнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ишончли ва мукамал иқтисодий ахборот ва ҳисоботлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий

асоси бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг янги тахрири 2016 йил 14 апрелда эълон қилинди.

Қонун бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартиби, ҳўжалик операцияларини назорат қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи масъул шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг касбий малакаларига талаблар, бухгалтерия ҳўжатларини сақлаш каби масалаларни тартибга солишга қаратилган.

Хусусан, қонун билан бухгалтерия ҳисоби ва ахбороти, синтетик ва аналитик ҳисоб, ички назорат тушунчаларини аниқ белгилашни назарда тутувчи янги нормалар киритилди.

Мазкур нормалар бухгалтерия ҳисоби қонунчилигидаги базавий тушунчаларни тўғри қўллаш орқали бухгалтерия ҳисоби тизимининг шаффофлигини, уни аниқ ва равшан юритилишини таъминлашда ўзининг ихобий самарасини беради.

Бундан ташқари, мазкур қонун билан корхоналарни стратегик бошқаришда раҳбар ва бухгалтерлар ўртасида жавобгарлик масъулиятини оши-

риш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, ҳўжатларнинг электрон шаклда юритишни назарда тутувчи қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Бундан ташқари, Солиқ кодекси ҳамда "Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ янги тахрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунга ҳисобот йилдан кейин бухгалтерия ҳўжатларини сақлашнинг камида беш йиллик мuddатини белгиловчи норма киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонундаги янги меъёр ва қоидаларнинг ҳаётга жорий этилиши иқтисодийётимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига мос келадиган бухгалтерия ҳисоби тизимининг янада такомиллашувига, соҳада иш сифатини оширишга, йўл қўйилмайдиган қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бар-тароф қилишда энг муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Дониёр МАСАЛИЕВ,  
Бош прокуратуранинг ОУК тингловчиси

# Қонун берган имконият



Бош Қонунимизга биноан фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ана шу эзгу мақсадда қонунлар такомиллаштирилмоқда. Қонунчилик фаолиятида ижтимоий адолат тамойиллари асос қилиб олинмоқда. Жамиятимизда қонунларга ҳўрмат ва уларга амал қилиб яшаш одатий ҳолга айлангани, ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органларнинг жамоатчиликка таянган ҳолда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти хорижаги нуфузли ташкилотларнинг таққиқотларида эътироф қилинмоқда.

Кенг қамровли ислохотлар замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳўрмат қилиш, муносиб ҳаёт кечириши учун шарт-шароитларни яратишдай эзгу мақсадларга муваффақ бўлиш. Ислохотлар, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Қонунларнинг такомиллаштирилиши, тадбиркорликка кенг йўл очилиши, иқтисодийёт барқарор суръатларда ривожланиши, янги ички ўринлари барпо этилиши, ишсизлик муаммоларининг ҳал этиб борилиши, ялғи ички махсулот ҳажмининг ўсиши, фуқароларнинг реал даромадлари кўпайиши, маънавий қадриятларнинг сингдирилиши барибарлик ҳуқуқбузарлик ва жинойи қилмишларнинг билвосита сабаблари бартароф этиб борилмади. Жинойи жазоларни янада либераллаштириш ўз самарасини бермоқда.

Олий Мажлис томонидан 2015 йил 10 август кўни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун жинойи жазоларни либераллаштириш борасида яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу қонунга биноан "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунларга, шунингдек, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят кодексида жиноят содир этган шахсга жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури — "озодликни чеклаш" жазоси қўшилди. Жиноят кодексида кўзда тутилган жазо тизими озодликни чеклаш жазоси билан тўлдирилди ва уни қўллаш доираси, шартлари белгиланди.

Озодликни чеклаш жазоси қонунчилигимизда янгилик бўлиб суд томонидан ушбу жазо тайинланган мuddат мобайнида маҳкум яшаш жойини бйрон-бйр сабаб билан тарк этишини бутунлай тақиқлаш ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиб чеклашдан иборат бўлиб, фақат асосий жазо тарзида қўлланилади. Озодликни чеклаш жазоси ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларга нисбатан жиноятларнинг хусусияти ҳамда ижтимоий ҳавфлилик даражасига кўра олти ойдан беш йилгача, вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо тарзида олти ойдан икки йилгача мuddатга тайинланиб, суд белгиланган органлар назорати остида ўталади.

Суд сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиб тақиқлашдан ташқари маҳкумнинг зиммасига қўшимча равишда муайян жойларга бормаслик, оммавий ва бошқа тадбирларни ўтказишда иштирок этмаслик, муайян фаолият билан шуғулланмаслик, муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзидан сақламаслик, транспорт воситасини бошқармаслик, маҳкумларни назорат қилувчи ор-

ганнинг розилигисиз яшаш, иш ёки ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик, муайян шахслар билан алоқа қилмаслик, алоқа воситаларидан, шу жумладан, интернетдан фойдаланмаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик каби тақиқларни юклаши мумкин.

Шунингдек, озодликни чеклашга ҳўкм қилинган шахсга ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш ҳамда тузалишга кўмаклашувчи бошқа мажбуриятлар юкланиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Озодликни чеклашга ҳўкм қилинган шахс жазони ўтаётган даврда жинойи қилмишини англаб етган, қатъий тузалиш йўлига ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда суд маҳкумга нисбатан тайинланган тақиқларни (чекловларни) қисман ёки тўлиқ бекор қилиш ваколатига эга. Аксинча, маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларга амал қилмас, озодликни чеклашнинг ўтмай қолган мuddати бошқа турдаги жазо билан алмаштирилади. Бундай ҳолатда жазони ўташдан бўйин товлаган вақт ўталган жазо мuddатига қўшиб ҳисобланмайди.

Қонунда белгиланганидек, ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган

шахсларга нисбатан ушбу жазо тури қўлланмайди.

Жамиятимизга хос инсонпарварлик тамойилларига мувофиқ равишда оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам озодликдан маҳрум этишдан ташқари озодликни чеклаш жазо тури қўлланадиган, шу йўсинда тузалиш имконияти ҳавола этиладиган бўлди. ЖКнинг 98-моддасида тўсатдан юз берган қўчли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш учун беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган эди. Ушбу моддага енгилроқ икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш жазо тури қўшимча сифатида киритилди.

Жиноят-процессуал кодексининг 468-моддаси "Озодликни чеклаш тарикасидаги жазога ҳўкм этилган шахс учун белгиланадиган тақиқлар (чеклашлар)" деган мазмундаги банд билан тўлдирилди. 539-модданинг номланиши "Жарима солишини, ахлоқ тузатиш ишларини ва озодликни чеклашнинг жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тартиби" тарзида ўзгартирилди. "Ҳўкм, ажрим ва қарорларнинг ижросига тааллуқли масалаларни ҳал қилувчи судлар" деб номланган 541-модданинг биринчи қисми матнига ҳам озодликни чеклаш сўзлари қўшилди. ЖК 542-моддасининг янги тахрирдаги учинчи қисмига кўра, "Жарима жазосига, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликни чеклашга ҳўкм қилинган шахс жарима жазосини, ахлоқ тузатиш ишларини ва озодликни чеклашнинг жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқиши учун судга узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, жазони ижро этувчи органнинг тақдимномаси маҳкум йўқлигида кўриб чиқиши мумкин. Жарима жазоси ёки ахлоқ тузатиш ишлари камоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан, шунингдек озодликни чеклаш озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаш-

Бахтиёр МАМАТОВ,  
Фаргона вилоят прокурорининг катта ёрдამчиси

тирилган тақдирда суд маҳкумга нисбатан камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак".

Озодликни чеклаш жазо меъёрига мувофиқ равишда Жиноят-ижроия кодексига ҳам тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. III бўлимнинг номланиши "Қамоқ ва озодликни чеклаш тарикасидаги жазоларни ўташ" тарзида ўзгартирилди. Янги 81 "Озодликни чеклаш тарикасидаги жазони ижро этиш" боби қўшилди.

44<sup>1</sup>, 44<sup>2</sup>, 44<sup>3</sup>, 44<sup>4</sup>-моддаларда жазони ижро этиш тартиби, озодликни чеклаш мuddатини ҳисоблаш, озодликни чеклаш тарикасидаги жазони ўташ тартиби, озодликни чеклашни ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, Фуқаролик кодексига ҳам қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Хуллас, жинойи жазоларнинг либераллаштирилиши эҳтиётсизлик туфайли ёки қасддан жиноят содир этган маҳкумларга, хусусан, озодликни чеклаш тарзида жазо қўлланган шахсларга қилмишидан тегишли хулоса чиқариб тузалиш йўлига ўтиш, жазони ўтаган ёки ўташдан озод этиладиган кейин қонунларга итлоат қилиб, ҳалол ишлаб яшаш имкониятларини ҳавола этади.

Қонун устувор бўлган, тинч ва осийшга ҳаёт ҳўкм сурган жамият таракқий этади. Амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида мамлакатимиз иқтисодийёти барқарор равишда юқори суръатларда ривожланапти. Фуқаролар ҳаёти тобора яхшиланиб, шахар ва қишлоқларимиз обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Янгидан қабул қилинаётган ва такомиллаштирилаётган қонунлар эса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш кафолатидир.



# Парламент назорати вакиллик ҳоқимиятининг ролини кучайтиради

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб парламентнинг жамияттаги ролини кучайтириш давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг устувор йўналиши бўлди.

Кайди этиш жоизки, парламентнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш борасида амалга оширилган ислохотлар ҳоқимиятлар бўлиниши конституциявий принциплари ҳаётга изчил татбиқ этишга, марказда ва жойларда қонунларнинг ижро этилишини таъминлашда вакиллик ҳоқимиятининг ролини кучайтиришга, ушбу органларнинг назорат функцияларини кенгайтиришга қаратилди.

Чунки, парламентнинг ваколатлари сифатида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

бир қатор давлат органлари раҳбарларини лавозимга сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш қабили белгиланди.

Конституциявийда Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдига жавобгарлиги тўғрисидаги ва бошқа нормаларнинг белгиланиши ҳам парламент назоратини таъминлашда муҳим омил бўлди. Парламент иккала палатасининг биргаликда ваколатларига Ўзбекистон

Республикаси Президентининг тақдимидаги биноан Бош вазир номзодини қўриб чиқиш ва тасдиқлаш ваколати киритилди. Илгари эса парламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазирини тайинлаш тўғрисидаги фармонини тасдиқлар эди.

Қонунчилик парламент назоратининг Ҳисоб палатаси ҳисоботини қўриб чиқиш каби муҳим шакли жорий этилди. Сенатнинг мутлақ ваколатларига Бош прокурорнинг, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг, Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш киритилди. Бундан ташқари, Сенат Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатларига эга бўлди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси парламент ва ҳоқимиятнинг вакиллик органларини ролини янада кучайтириш борасида муҳим қадам бўлди. Концепциянинг асосий қоидаларига мувофиқ, 2011-2014 йилларда Конституциянинг бир қатор моддалари-

га тузатишлар киритилди.

Ушбу тузатишлар ва улар асосида қабул қилинган қонунлар давлат ҳоқимияти органлари тизимида Олий Махлоснинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятларини кенгайтди.

Бош Қонунимизда парламент назорати институти, уни амалга ошириш механизмларининг мустақамлангани ҳам ҳоқимиятни демократик модернизация қилишда улкан аҳамият касб этди.

Барчамизга маълумки, Асосий Қонунимиз — Конституцияга киритилган тузатишларга мувофиқ, эндиликда парламент мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш, Сенат эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш каби қўшимча назорат функцияларига эга бўлди.

Шунингдек, Конституцияда парламент назоратининг янги шакли — парламентнинг ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқининг белгиланиши ҳоқимият тармоқларининг ҳуқуқлари тенглиги ва мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилди.

Парламентнинг мамлакатимиз бошқарувидаги ролини ошириш, шу жумладан, унинг назорат функцияларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни доимий аҳамият касб этishi ҳеч кимга сир эмас.

Хусусан, Конституциямизга юқорида қайд этилган тузатишларнинг киритилгани давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги миллий қонунчиликни, соҳадаги ҳуқуқий қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича қатор янги вазифаларни ҳал қилиш заруратини вужудга келтирди.

Парламент назоратини амалга оширишнинг замонавий шакл ва усулларини, шунингдек, унинг субъекти ва объектларини аниқ белгиланган мақсадда 2016 йил 12 апрелда "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий оқибатларини белгилаш билан бир вақтда бундай назоратнинг аниқ чегарасини ҳам ўрнатади. Бу эса ҳоқимиятлар бўлиниши тизимининг самарали ишлаши, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг амалий механизмларини рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Парламент назорати нафақат қонунлар ижросининг сифати ва самардорлигини оширишда, балки ҳоқимиятлар

Улугбек МАМАРАЖАБОВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш тизимининг барқарор ишлашида, жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳам муҳим ўрин тутишини таъкидлаш зарур.

28 та моддадан иборат бўлган қонунда парламент назоратининг субъектлари, объекти, парламент назоратининг шакллари, парламент назорати тадбирлари натижасида қўриладиган чоралар, бу борада қабул қилинган қарорларни қўриб чиқиш ва ижросини таъминлаш, парламент назорати субъектларининг, шунингдек, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг мажбуриятлари, парламент назорати натижаларини қўриб чиқишнинг очиллиги ва ошқоралигига оид масалалар батафсил ёритиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, қонун парламент назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, Олий Махлос палаталари назорат фаолиятининг самардорлигини оширишга, ижро этувчи ҳоқимият органлари фаолияти устидан назорат қилишда парламент ролини кучайтиришга, давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда ижтимоий-иқтисодий ҳаётга доир масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва уларни Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш ҳамда унга риоя қилиш руҳида тарбиялаш мақсадида 2014 йил 14 майда "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган.

## Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

Қонуннинг асосий вазифалари этиб шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланishi хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш белгилаб берилди.

Ушбу қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар рўйхати кўрсатилган. Булар: ички ишлар органлари; прокуратура органлари; Миллий хавфсизлик хизмати органлари; адлия органлари; давлат божхона хизмати органлари; давлат солиқ хизмати органлари; меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари; таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақ-

Тўйчибой ТУРҒУНОВ,  
Ўринбой НЕЪМАТЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
тигловчилари

лаш муассасалари; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки этиши ҳам белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва уларни Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш ҳамда унга риоя қилиш руҳида тарбиялаш ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқна тартибдаги ва виқтимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш орқали таъминлайди. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларга бўйсунмаслиги ёки унга риоя қилмаслиги ёки уни талабларини бузганлиги натижасида келиб чиқадиган оқибатларини, содир этилишининг сабабларини, уларга имкон бераётган шарт-шароитларни ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалга ошириш керак бўлган чора-тадбирлар ҳақида аҳоли ўртасида ҳуқуқий ва қонунчилик тарғиботи ишларини амалга оширади.

## Бошқарув органлари фаолиятининг очиллиги

Мамлакатимиз Конституциясининг 30-моддасида Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. "Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиллиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Бош Қомусимизнинг юқоридаги моддаси ижросини таъминлаш учун мустақам асос бўлиш билан бирга мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги катта олим бўлди.

Юртимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари Республикасимизнинг мазкур қонуни асосида давлат ҳоқимияти вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлиқни самарали равишда олиб бормоқдалар. Ушбу қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотини олишга оид қарорларни кенгайтирилди. Қонуннинг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулияти оширилди ҳамда улар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартиби белгиланди.

Давлат органлари фаолиятининг очиллиги деганда, давлат органларининг фаолияти, таркиби, тузилмаси тўғрисидаги ва бошқа исталган очик ахбо-

Дилшод ТОШТЕМИРОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК  
департаменти бўлим катта инспектори

ротларга эркин эга бўлиш ҳуқуқи тушунилади. Қонунда ахборотлардан фойдаланувчилар томонидан сўров юбориш ҳамда унга жавоб беришнинг батафсил тартиби ва муддатлари, сўров бўйича ахборот тақдим этилишини рад этиш асослари аниқ белгилаб қўйилган. Булар фуқароларнинг давлат органлари ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашда, бу борада турли сансалорликлар юзга келишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қонуннинг 10-моддаси билан давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматининг мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Ахборот хизмати оммавий тадбирлар ташкил этиш, ахборот хабарларини тарқатиш, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чораларини кўради.

Мазкур қонун оммавий ахборот воситалари ҳодимлари ҳамда давлат органлари ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатishi, журналистлар томонидан ахборотлар олиш, тўплаш ва тарқатиш масалаларида қонунчилик механизмларини такомиллаштиришга, фуқароларни давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ҳолис, тезкор ва янада тўлиқ хабардор қилишга, давлат органлари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалари фаолиятига, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилиб, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.


Инсон жиноят кўчасига ўз-ўзидан кириб қолмайди. Ё тарбиясидаги нуқсонлар, ё у яқинлашган муҳитнинг носоголомлиги қалбида эндигина куртак ёзаётган инсоний туйғуларни бир четга улоқтириб, ўрнига турфа иллатлар уруғини экади. Ундан униб чиққан ниҳолнинг келажакда берган "мева"си шу қадар аччиқ бўлади-ки...

## Тавбасига таянмаганлар

1980 йилда Норин туманида туғилган Бахтиёр Бобоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олий маълумотли, яқинда ўттиз олти ёшга қадам қўйди. Халол меҳнат қилиб оиласига ҳам, жамиятга ҳам наф келтирадиган, фарзандларига намуна бўлиб, тўри тарбиялаш имкониятига эга.

Афсуски, у ҳаётнинг қинғир кўчаларига кириб адашди. Ўн саккиз ёшидаёқ жиноятга қўл урди. Бундай ҳолат яна бир неча бор такрорланди. Одам боласи қоқилиб, пешонаси деворга урилса, кўзи очилади. Ўзига ўзи қайта қинғир йўлга юрмасликка сўз беради.

Бироқ Бахтиёрга тайинланган озоликдан маҳрум этиш жазолари, давлатимиз томонидан афв этишлар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган кўринади. Бўлмаса, 2015 йил 26 апрелда жазони ўтаб бўлган, яна ўйламай-нетмай шу йилнинг май ойи бошидаёқ қиморхона ташкил этиб, унга одамларни қизиқтириб, жалб этиб, охир-оқибат қайта жиноятчига айланармиди?!



Халқимизда "Кўр кўрни қоронғуда топади", деган нақл бор. Б.Бобоев шерик танлашда адашмади. Ёшликдаги ўртоғи Икром Йўлдошев билан маслаҳатлашиб, текин даромад топишининг ана шундай нопок йўлини ихтиёр этди. Афсуски, И.Йўлдошевнинг ҳам таржимаи ҳоли тоза эмасди. У ҳам оилали, фарзандлари бўла туриб, ўттиз тўрт ёшига қадар икки бора жиноий қилмиши сабаб қора қорасига ўтирганди.

Икки ошна келишиб, қиморхона дастлаб И.Йўлдошевникида ташкил этилди. Кейин эса фермер хўжалиги дала шайпонини қиморхонага айлантиришди. Улар усто-монлик билан манзилларни тез-тез ўзгартириб туришарди. Шу боис Наманган шаҳар, 2-кичик туманидаги хонадонлардан бирида

**Раҳимжон ОДИЛОВ,**  
Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори

ҳам шундай қиморхона ташкил этишдан тортинишмади.

Бундай нопок ўйинга М.Асқаров, У.Шомансуров, Ҳ.Мадаминов, Т.Эгамовларни жалб этиб, уларга дастлаб 500 минг сўмдан, сўнгра 1 миллион сўмдан пул беришарди. Бироқ ҳар қал қартани тарқатганда 5000 сўмдан чўтал, дея пул олиб, берган маблағларининг асосий қисмини қайтариб олишарди. Боз устига, ўйинга қатнашганларни қарздор қилиб, уларни оғир шартотиб солишарди.

Қиморхона эгаларидан пул олиб қарзга ботганлардан бири Ҳ.Мадаминов эди. Унинг қарзи 2,5 миллион сўмга етди. Шу боис икки ҳамтовок — И.Йўлдошев ва Б.Бобоев Ҳ.Мадаминовнинг ўйига боришарди ва бу қарз устига фоиз қўшган ҳолда пул талаб қила бошлашарди.

Ҳ.Мадаминов қимор ўйнашдек жирканч ишга аралашиб, ўз бошига минг бир ташвиш сотиб олганидан хижолатда, оиласи, фарзандлари ёнида боши эгик, айнаи дамда кўни-қўшнилар биллиб қолмаслиги учун бошини қаерга яшириши билмай ўтирган бир чоғда Б.Бобоев ва И.Йўлдошев "Каптив" да бир неча марта келиб пул талаб қилиб, жанжал кўтаришдан орланшмас, унинг қарздорлигини маҳаллага жар солиб айтишни қанда қилишмасди. Ноилож қолган Ҳ.Мадаминов шаҳарга қочиб кетиб қутулмоқчи бўлди, аммо бунинг ҳам иложини қилолмади.

Икки ҳамтовок унинг оила аъзоларини қўрқитиб, ҳақиқий қарз у ёқда қолиб, ундан уч баробар қиммат бўлган, яъни 7 млн. сўмлик ёғоч тилиш дастгоҳи ва 1 млн. 500 минг сўмлик теракларни топширишга мажбурлашарди.

Пичоқ бориб суйакка қадалган, Ҳ.Мадаминов ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Б.Бобоев ҳамда И.Йўлдошев қилмишларига яраша муносиб жазо олишди, яна панжара ортига равона бўлишди. Улар Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбли деб топилиб, ҳар иккиси етти йил-у ч ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.



**Режалаштирилган қотиллик**

Чақирувга мўвофиқ ўт ўчирувчилар дарҳол ёна бошлаган ҳовли уйга етиб боришди. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари билан гараждан уйга ўта бошлаган олов тезда ўчирилди. Олов уйни буткул қамраб қўшни ҳовли-уйларга ўтишининг олди олинди. Ёнғин чиққан ҳовли гаражида қирқ беш-элик ёшлардаги эркак қонга беланиб ётарди.

Тергов-тезор гуруҳи ходимлари воқеа жойини, ёнғин ўтиб улгурмаган хоналарни синчилаб кўздан кечиришди. Хоналар бесаранжом, афтидан босқинчилар пул ва қимматбахона нарсаларни ахтаришган. Кейинроқ, бошига тушган мусибатдан сўнг ҳушига келган хонадон бекаси ҳамда келинининг сўзларига кўра ўттиз минг сўмча пул, бир донга тефалтермос йўқ эди, холос.

Кўни-қўшнилардан сўраб-суриштириш бесамар бўлиб чиқди. Жиноят саҳар соат тўрт-бешларда қарийб ҳамма ширин уйқудалигида содир этилган, бунга ҳеч қим шубҳали ҳолатни сезмаган, таниш ёки нотаниш кимсага кўзлари тушмаган эди. Уй тугаб ёна бошлагандан, ўт ўчирувчилар етиб келганидан кейингина қўшнилар ташқарига, кўчага чиқшганди.

Марҳум Жонибек Ўтаровнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилди) жонига ким, нима сабабдан қасд қилган бўлиши мумкин? Танилган-билганларнинг таърифлашича, мактабда хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган марҳум гоҳида спиртли ичимликлар ичиб турган, лекин кайфи тароқлигида ҳам бировлар билан сан-манга бормаган. Турмуш ўртоғи пахта тозалаш заводида уч сменали ишда ишлаган. Базан мастлигида Жонибек хотини Мастураҳон билан жанжаллашган, лекин оилавий можаролар уйдан кўчага чиқмаган. Икки нафар фарзандни вояга етказишган.

Жонибек Россияга ишлагани кетганидан сўнг келини ва неваралари вақтин-

ча ота-онасиникида яшаган.

Муқаддам судланган, жиноятга мойил шахслар ўша тонг саҳарда қаерда бўлганлари ўрганилди. Ўзларининг, яқинларининг, таниш-билишларининг кўрсатмалари текширилди. Айни чоғда босқинчи-қотиллар олиб чиқиб кетган термосни пуллаши мумкин бўлган жойлар кўз остига олинди. Суроқ-суриштирув мобайнида марҳумнинг маҳалладоши кўрсатмаси эътиборни тортиди. "Ўрталаб соат тўрт-бешларда кўчага чиқдим. Завод тарафдаги кўчадан тугун чиқатганига кўзим тушди. Ўша тарафдан шовиб келаётган Усмонжон саломлашиб ўтиб кетди". Дарвоқе, Усмон Салмонов марҳумнинг турмуш ўртоғи билан бир қорхонада, пахта тозалаш заводида ишлаган. Оила бекаму кўст яшагани билан Усмонжон Салмонов сўроқда тилидан тутилди.

Дастлабки терговда ёзиб берган икромномасига кўра, айбланувчи қотиллик жиноятини пахта тозалаш заводида бирга ишлайдиган М.Бакиров билан бирга марҳумнинг турмуш ўртоғи М.Ўтарова бюуртомаси бўйича 400 АҚШ доллари эвазига содир этганимиш. Гўё ичкиликка ружу қўйган Жонибек ака рашқ қилиб хотинини дўппослаши одатий ҳога айланганмиш. Пичоқ суякка қадалиб, аёл эридан қутулмоқчи бўлганмиш. Қорхонада бирга ишлайдиган М.Бакиров ҳамда уни қотилликка ёллаганмиш.

Ўшбу ҳолат атрофлича текширилиб ўрганилди. Юзлаштириш ва бошқа тергов ҳаракатлари аёл ва билан бирга ишлайдиган кимсанинг жиноятга алоқаси йўқлигини кўрсатди. Чўночи, аниқлани-

шича, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган, қорхонада соловчи бўлиб ишлайётган йигирма олти яшар У.Салмонов қорхонадан яширинча чигит олиб чиқиб пуллаган. М.Бакиров: "Ўғирликни бас қилмасанг, қорхона раҳбарларига айтиб, ишдан ҳайдатаман", дегач, пайтавасига курт тушган. Қотилликка да гумон қилиниб, ҳибсга олинган, танобини тортиб қўйган йигиртадан шу тариқа қасд олмақчи бўлган. Далиллар қаршида У.Салмонов аёлга ва ҳамкасбига туҳмат қилаётганини тан олди.

Қотилликка қўл уришининг асл мотиви қарзга ботиб, пул топиш ҳақида бош қотира бўлмайди. М.Ўтаровнинг ўғли хорихида ишлаши, пул жўнатиб туршини эслайди. Ўзича "Аёл уч сменанада ишлайди, тунги сменага чиққанда ичкиликка ружу қўйган эри уйда ёлғиз қолади. Уни бир ёқли қилиб, пуллари олиб чиқиб кетаман", дея режа тузади. Куз кўни, кечаси ишхонага бориб М.Ўтарова тунги сменанада ишлайётганига ишонч ҳосил қилади. Соат тонги тўрт яримларда хонадон эшигини тақиллатади.

— Жонибек ака чиқди, ундан қоп сўрадим, — деди суд мажлисида айбига икром бўлган судланувчи. — Ортидан гаража кирдим. Қоп излаётганида гаражадаги темир лом билан бошига икки марта урдим. Чалқанча йиқилган, ломни кўрагага уч марта санчиб олдим. Уйга кирдим. Ётоқхона мебели галадонда йигирма саккиз минг сўм бор экан, холос. Келинининг хонасидаги тефал-термосни қўлтиқладим. Бошқа пул, арзанли нарса тополмади. Изларни йўқотиш учун гаража ва уйга ўт қўйиб чиқиб кетдим.

Суд У.Салмоновга ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган муддатини қисман қўшган ҳолда 18 йил-у 6 ой озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

## Ютуқларимиз салмоқли

[Давоми. Бошланиши 7-бетда]

Бугун халқаро спорт ареналарида голиблик шохсупасида юртимиз байроғини баланд кўтарётган ёшлар орасида наманганлик спортчиларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Айни пайтда вилоятимизда 300 мингдан зиёд ўғил-қиз спортга ошно, уларнинг 130 минг нафарини қизлар ташкил этмоқда.

Вилоят ҳокими ана шу ютуқларимизни яна бир бор эътироф этар экан, 2016 йилнинг август ойида Бразилиянинг Рио-де Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган ёғи Олимпиадага йўланманни кўлга киритган умидли спортчи Муроджон Аҳмадалиевга вилоят ҳокими совғаси — "Кобальт" автомобили-

ни тантанали топширди.

Шунингдек, тadbирда спорт фахрийси Муҳаммадали Камолов, дзюдо бўйича халқаро турнирлар голиби, Зулфия номидagi Давлат мукофоти соҳиби Қумушхон Хўжаева Муроджонга самимий тилаклар изҳор этдилар.

— Бу мукофот ўзимга бўлган масъулиятни янада оширди. Ота-онам, устозларим, мухлисларим ишончини оқлаш учун ҳаракат қиламан, — деди спортчи ўз сўзида. — Ёнғ катта оразим — Олимпия ўйинларида юртимиз байроғини баландларга кўтариш!

Поп туманидаги Олмасзор маҳалласида камолга етган 23 ёшли Элбек Сотволдиев спортни чин дилдан севгани, қадрлагани, соғлом ва бақувват бўлиб ўсгани, қалбида Ватан туйғуси

жўш ургани боис, юксак натижаларга эришиб келмоқда.

Миллий қадриятларимиздан саналган белбоғли кураш билан шуғулланган Элбек учун 2015 йил омадли келди. У Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 68 килограмм вазнда иштирок этиб, жаҳон чемпиони бўлди.

— Жаҳон чемпионатида беллашар эканман, кўз ўнгимда Президентимиз сиймолари қўдаланиб, "Инсон учун халқнинг ишончи, меҳру муҳаббатига сазовор бўлишдан ортиқ бахт йўқ", деб айтган сўзлари менга мадад берди. Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшиб, ғалабага бўлган ишончимни икки ҳисса оширди, — дейди Элбек фахр-ифтихор билан. Элбек ўн қарра Ўзбекистон чемпио-

ни, жаҳон чемпионатида олтин медални кўлга киритиб, халқаро тоифадаги спорт устаси мақомига эга бўлган. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида тахсил олган поплик полков айна пайтда тумандаги 13-болалар ва ўсмирлар мактабида мураббий сифатида фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга, тўртта гуруҳда 60 нафардан зиёд ёшларга белбоғли кураш сирларини ўргатмоқда.

Вилоятда бу каби ютуқлар билан яшаётган спортчи ёшларимиз кўпчиликини ташкил этади. Шу маънода, халқимизнинг, Юртбошимизнинг келажакимиз эгалари бўлиши фарзандларимиздан кўтаётган умидлари бир-бир ушалаётганига беҳитиёр шукрона айтасан, киши!



# Бебош болалар...

Суднинг қора курсисидан ўтирган бу болаларнинг қилмишлари ҳақида эшитиб, беихтиёр ҳаёлингизга машҳур "Автомобилдан сақланган" фильмидаги воқеалар келади. Аммо "сюжет" бу ерда бошқачароқ... Панжара ортита ўтирган техниккага "ишқибоз" "қаҳрамон"ларимиз эса баъзан шунчаки кўнгилхушлик, баъзан компьютер ўйинларига пул етмаганиги, баъзан қарздор бўлиб қолганлиги, баъзан танишларининг ҳождатини чиқариш... учун ўзгаларнинг автомобилларидаги буюмларни, машиналарнинг давлат рақамларини ўғирлашган, сўнг савдо дўконлари ва бошқа мулкларни талашган...



Уларнинг барчаси 17-19 ёшлар атрофидаги коллеж ўқувчилари, ёши каттароқлари эса ҳали бирон ишнинг бошини тутмаган. Минг афсуски, айримлари ҳатто воёга етмаган...

Жумладан, судланувчи Жасур Алимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 1997 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Маълумоти ўрта махсус. Илгари ҳам жиноят кўчасига кириб, амнистия туфайли унга оид иш ҳаракатдан тугатилган.

Жасурнинг шериклари — синфдоши Камол Сувонов 1996 йилда, кўшиси Отабек Ҳакимов 1999 йилда, таниши Шаҳбоз Нуриев 1998 йилда, янғасининг укаси Авазбек Розиков 1998 йилда туғилган. Камол ўн тўққиз ёшдан ошган бўлса-да, маълумоти ҳамон ўрта. Отабек Шайхали маийш ҳизмат қўрсатиш (айни пайтда Қарши энгил саноат ва сервис) касб-хунар коллежида, Шаҳбоз Қарши политехника касб-хунар коллежида, Авазбек Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-хунар коллежида ўқишдади.

Бу йигитлар сафиди икки нафар қаранднинг онаси бўлган Мафтуна Бўриева ҳам

бор. У бу ишларга қандай ариллашиб қолди экан, дерсиз? Бу хусусда бироз кейинроқ...

"Ўғригина болалар" "ҳашпаш" дегунча бир қатор жиноятлар қилишга "улгуришган"ки, узундан-узқоқ тафсилотларини келтирсак, ҳайратдан беихтиёр ёқа ушлайсиз.

2014 йил 6 январь. Жасур, Камол ва Отабек Қарши шаҳри, Махтумқули маҳалласи, "Ёшлик" кўчаси 16-уйнинг рўпарасида турган "Spark" автомашинасидан жами 380 минг сўмлик аудиомагнитофон колонкалари ва резина тўшамаларни ўғирлаб кетишган...

2014 йилнинг кузи. Отабек Қарши шаҳри Араловул маҳалласидаги "автомойка"да турган "Damas"дан 1 млн. 200 минг сўмлик ноутбукни ўғирлаб, танишига 100 минг сўмга сотиб юборди...

2015 йил 17 январь. Қарши шаҳри 4-миттитуманда жойлашган кафе ёнида турган "Damas"дан 300 минг сўмлик аудиоколонкалар гоийб бўлади. Жиноят "муаллиф"и яна Жасур эди...

22 январь. Соат 20:00 лар атрофида Жасур "Геолог" кўчасидаги тренажёр зали ёнида изғиб юрарди. Бино

ёнида турган "Damas"дан 350 минг сўмлик аудиомагнитофон "йўқ бўлиб" қолади...

2015 йил 4 февраль. Каманди кўчасидаги сартарошхонадан 1 млн. 200 минг сўмлик ноутбук гоийб бўлди. "Бош роллар"да яна Жасур, Камол, Отабек...

Эртаси куни. Жайхун кўчасидаги меҳмонхона рўпарасидаги "Пайнет" шохобчасидан "движок", овоз кучайтиргич, модём сингари жами 1 млн. 960 минг сўмлик буюм ва пул ўғирлаб кетилди. Учовлон "қаҳрамон"имизга бу сафар Авазбек ҳам "ёрдам"га келган эди...

Шу тариқа йигитчаларнинг бундай қилмишлари яна анча давом этади.

1 апрель кунда Жасур, Камол ва Отабек Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти автотураргоҳида турган "Damas"дан аудиомагнитофон, тўшамалар, пул сингари жами 150 минг сўмлик мулкни талон-торож қилишди.

5 апрелга ўтар кечаси. Жасур, Камол ва Отабек яна бедор эди. Қарши шаҳри 6-миттитуманда жойлашган "Фазо" савдо дўконидан жами 1 млн. 860 минг сўмлик парфюмерия

ва озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлашди.

6 апрелга ўтар кечаси. Амир Темур кўчаси, 118-Б уйда жойлашган савдо дўконидан 2 млн. 800 минг сўмлик телевизор ва 30 минг сўм пул ўғирланди. Яна Жасур, Камол, Шаҳбоз...

10 апрелга ўтар кечаси. Жасур, Камол ва Шаҳбоз Ўзбекистон кўчасидаги 426-савдо дўконидан 2 млн. 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 1 млн. 500 минг сўмлик ноутбукни ўғирлаб кетишди...

11 апрелга ўтар кечаси. "Шоввоз"ларнинг иштаҳаси анча карнай эди. "Ов" ҳам шунга яраша бўлди. Қарликбоғот кўчасида жойлашган кийим-кечак дўкони эгаси шу кеча 6 млн. 630 минг сўмлик эркаклар ва болалар кийим-кечаклари ҳамда пулидан айрилиб қолди. Жасур, Камол ва Шаҳбоз эса бу пайтда бемаъл "ўлжа тақсимоти" билан овора эди...

Камол ва Отабекнинг аввалги саргузаштларидан бир шингил. 2014 йил 30 август куни икковлон "Эски бозор" худудида турган "Damas"дан 1 млн. 271 минг сўм пули бўлган пластик картчакни ўғирлаб, пулини шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборишган. 2015 йил январь ойининг ўрталарида "Пахтазор" миттитуманидаги 15-мактаб олдидаги кўп қаватли уйлар ёнида турган "Damas"дан 170 минг сўмлик аудиомагнитофони, 2015 йилнинг 9 февраль куни "Орзу" бозори ёнида тўхтаган "Damas"дан 1 млн. сўмлик ноутбукни ўғирлашган.

Энди бу ишларга аралашиб қолган Мафтуна Бўриеванинг қилмишлари ҳақида тўхталсак. Таниши Мафтунанинг буортмасига кўра, 2014 йил 30 апрель куни Жасур Қарши шаҳри "Пахтазор" миттитумани худудида турган "Nexia"нинг олд буферидидаги давлат рақам-

Отабек КУЛДАШЕВ,  
Қарши шаҳар прокурори  
Норбўта ҲОЗИЕВ,  
«Hudud»

ларини ечиб олади. 2014 йил 7 майга ўтар кечаси Қарши шаҳри, 3-миттитуман 71-уйнинг олдида турган "Nexia"нинг давлат рақамини ўз мақсадларида фойдаланиш учун ўғирлашган. Кейинчалик бир "Damas", бир "Spark"ка тегишли давлат рақамларининг тақдирини ҳам шундай бўлди. Ҳўш, Мафтунага ўзгаларга тегишли бўлган машиналарнинг давлат рақамлари нега керак эди? Маълум бўлишча, икки нафар фарзанди билан биринчи турмуш ўртоғидан ажрашиб, бошқасига турмушга чиққан Мафтуна эрини рашк қилиб, уни худди кинодаги детективлардай кузатишга киришган. Кузатув жараёнида турмуш ўртоғи машинасини таниб қолмаслиги учун бошқа давлат рақамларидан фойдаланишни режалаштирган...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида мазкур судланувчиларнинг жиноят ишлари кўрилди. Уларнинг жиноятлари тегишли далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари орқали ўз исботини тоғди ва йигитларнинг қилмишига яраша жазо тайинланди. Ҳўзгалар давлат рақамига ишқи тушган Мафтуна Бўриевага эса Жиноят кодексининг тегишли моддасига кўра энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Жазо... Тўғри, жиноятга жазо муқаррар. Аммо... Масаланинг жуда нозик жиҳати бор. Ҳеч қайси боза онасидан ўғри, жиноятчи бўлиб туғилмайди. Аввало, ота-она ва бошқа яқинлари, кўни-кўшни, маҳаллақўй, сўнг улар ўқитган таълим муассасалари мутасаддилари бундайларга эътиборли бўлишлари талаб этилади.



## «Яхшилик»

Бинони яна бир қарра кўздан кечириб чиққан Сайфулло амаки қоровулхонага қайтди. Боя дамлаб кетган чойи "ламини олиб" бўлган, ундан пиеёга тўлаириб қуяр экан, соатиға қаради. Роппа-роса етти ярим. Ҳадемай сериал бошланиб қолади. У тумба устидаги чойнақдан сал каттароқ телевизорни ёқди. Керакли канални топгунча бироз овора бўлди. Шу пайт қоровулхона эшигини кимдир секин-секин ургандай бўлди. Сайфулло амаки телевизорнинг овозини пасайтириб, қулоқ солса, эшикни ростдан кимдир ураётган эми. Минг ҳаёлда эшикни очди. Эшик олдида бир йигит қонга беланган ҳолда ётар эми.

Иродасиз одамлар ҳаёт кийинчиликлари, тақдир синовлари олдида ўзларини жуда тез йўқотиб қўйишдади. Бундай одамдан ҳамма нарса ни кутиш мумкин экан.

Тўлқинбек ҳам анчайин иродасиз бўлиб улғайди. Ёши бир жойга боргунча ота-онасининг паноҳида юрди. Лекин уйланиб, бола-чақали бўлгач, ён-атрофдагилардан, ошна-оғайинларидан ўрнак олиб, мустақил бўлишга ҳаракат қилди. Биринда иши юришиди, биринда йўқ. Шу тариқа йиллар ўтди. Аммо кейинги вақтда ишлари юришмай, бўйнигача қарзга ботди. Ҳа деганда пул чиқариб берадиган отаси ҳам оламдан ўтиб кетган. Қарз сўрайверганидан ака-укалари ҳам Тўлқинбекдан ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолишган.

Оиласида ҳам ҳаловат йўқолди. Кунора жанжал. Жанжал бўлган жойга барака кирармиди? Тўлқинбекка борган сари муаммолар гирдобига кириб кетаётгандай, гўё бу гирдобдан ҳеч қачон чиқа олмайдиғандай туюла бошлади. Нима қилиш керак?

Сайфулло амаки шошиб қолмади. Дарҳол тез ёрдамга, сўнг милицияга қўнғироқ қилди. Кўп қон йўқотганидан ҳашини йўқотаётган йигитга имкон қадар ёрдам берди. Унинг гапидан тушундики, кимдир уни пичоқлаб кетган, шу ергача амаллаб келиб олган.

Мен бўлмасам, муаммоларим ҳам бўлмайди. Бу нарса Тўлқинбекнинг

Абдуқодир ДОНАЕВ,  
Олмазор туман прокурорининг ўринбосари

калласига қачон келди, ўзиям билмайди. Билгани шуки, ўз жонига қасд қилиш ҳақида минг ўйламасин, барибир жон ширин экан.

У эски таниши Шарафиддинга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) дардини тўқди. Шарафиддин турган гапки унга дакки берди. "Қарзга ботдим, ишим юришмаяпти деб, ҳамма жонига қасд қилаверса, бу нима деган гап? Ҳаммаси ўтиб кетади, ўзингни қўлга ол".

Аммо Тўлқинбек гапга кўнмади, қачон уни қўрса шу ҳақда гап очнади, қачон бўлди. Бездор бўлган Шарафиддин "Билганингни қилмайсанми, менга нима дейсан", деб ҳам қўтулмади.

— Биргина ҳадим сизагидан ошнам сенсан, ёрдам бермасанг бўлмайди, — дерди у Шарафиддинга.

— Эсинг жойидами, қанақа ёрдам? Менинга бир нимага дучор қилмоқчимисан?

— Мен барибир ўламан-кетаман, бир яхшилик қил, ошан. Ўзимнинг журъатим етмаяпти, ўлишимга ёрдам бериб юбор... Яхшилигингни ҳеч қачон унутмайман.

— Ўлиб кетсанг, унутмаганингдан нима фойда, тентак! Мен ўйлаб қуришим керак.

Шу суҳбатдан кейин Тўлқинбек анча вақт уни безовта қилмай қўйди. Шарафиддин ўзича "Бир балодан қутулдим", деб ўйлади. Адашган экан.

Декабрнинг изғиринли куни. Тўлқинбек яна Шарафиддинни қидириб келди. Хуллас, у Шарафиддинни ёрдам беришга кўндирди.

Улар шаҳарнинг одамлар кўзидан панароқ жойига борганларида, Тўлқинбек чўнтагидан пичоқ чиқарди. "Фақат каттироқ ур, оғриқни сезишга улгурмай қолай", деб пичоқнинг учли тигини қорнига тираб турди.

Шарафиддин унинг ҳазиллашмаётганини, ҳақиқатан ҳам жонидан тўғанини тушунди. Ортиқ ўйлаб ҳам ўйирмай, Тўлқинбекнинг қўлидаги пичоқни зарб билан уриб юборди. Сўнг орқасига қарамай қочди...

Кўрсатилган тез тиббий ёрдам сабаб Тўлқинбекнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бошидан ўтган воқеалар унга сабоқ бўлди. Ҳаёт қадрини тушуниб етди.

Эски қадрдонига ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст етказган Шарафиддин Сирожиддиннинг жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг ҳукми билан тегишли жазосини олди.

23 апрель куни Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги "Баркамол авлод" болалар марказида туман прокуратураси, туман ХТМФМТ ва ТЭБ ҳамда бошқа бир неча ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган "Мустақил юрт фарзандларимиз" кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## Танлов ғолиблари аниқланди

Ушбу танловда тумандаги 73 та мактабдан жами 3,5 минг нафардан зиёд ўқувчилар тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик, мунчоқли безак, юмшоқ ўйинчоқ тайёрлаш, журналистика ва нотиклик, инглиз тили, фольклор, ёш архитектор ўйналишларида ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан мақсад болаларни ватанга, табиат, санъат ва гўзалликка бўлган муҳаббатини ошириш ҳамда болаларнинг истеъдодларини янада ривожлантириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлашдир.

Маросимда кўрик-танловда ғолиб деб топилган ўқувчилар ташкилотчилар томонидан совғалар билан тақдирландилар.

**Насиба БЕГМАТОВА,**  
Ўрта Чирчиқ тумани "Баркамол авлод" болалар маркази услубчиси

## Божхона органлари фаолиятидаги ислохотлар

Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари — юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхонага оид қонун ҳужжатлари бузилишини, шу жумладан, контрабанданинг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш каби муҳим вазифалар божхона органларининг асосий вазифалари қаторига кириди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, жорий йилнинг 25 апрель куни Давлат божхона кўмитаси томонидан Олий ҳарбий божхона институтига оммавий ахборот воситалари учун "Божхона органлари томонидан контрабанда ва божхона қондабузариликларига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда сўзга чиққан маърузачилар контрабанда ва божхона қондабузилишларига қарши курашишда самарадорликка эришишнинг энг муҳим омилларидан бири бу шубҳасиз божхона органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга бориб тақалишини, бунда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат божхона хизмати органлари фао-

лиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этишди.

Сўнгги йилларда чегара божхона постларига 13 та катта ҳажмдаги юкларни комплекс назорат қилишга мўлжалланган сканер қурилмалари ва радиация назоратини амалга оширувчи 11 та радиацион портал мониторлари ўрнатилди. Айни вақтда ушбу қурилмаларнинг кўмагида йирик ҳажмдаги юк автомобиллари ҳам санокли сонияларда божхона кўригидан ўтказилмоқда. Тадбир давомида икки ёки ундан ортик давлат ўртасида маҳсулотларнинг чегаралар ар олиб ўтилиши, контрабанданинг олдини олиш ва бошқа қонунбузар-

Гули ҲОЖИБОЕВА,  
«Huquq»

лик ҳолатларини назорат қилиш борасидаги вазифаларни самарали бажаришда турли давлатларнинг божхона хизматлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, Давлат божхона кўмитасининг Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси томонидан МДХ мамлакатлари ва хорижий давлатлар божхона хизматлари билан тузилган битимлар асосида контрабанда ва божхона қондалари бузилишига қарши курашиш масалаларида ҳамкорлик амалга оширилиб, ўзаро мақсадларни кўзловчи маълумотлар алмашинувини олиб бориш йўлга қўйилган.

Тадбир қатнашчиларига жорий йилнинг 21 апрелидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Божхона кодексига доир маълумотлар ҳам берилди.



## Суднинг кечиктирилгани туфайли...

Аргентина терма жамоаси ҳужумчиси Лионель Месси Америка Кубога доирасидаги дастлабки баҳсини ўтказиб юбориши мумкин.

Хабар қилинишича, "Барселона" клуби ҳужумчиси солиқ борасидаги учта қонунбузарлик учун Испания суди олдида жавоб бериши лозим. Аммо суд ишни кўриб чиқишни 31 майдан 7 июнга кўчирди. Месси шу тариқа 6 июнь санасида Чили терма жамоасига қарши кечадагидан дастлабки баҳсда иштирок эта олмаслиги кутилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Месси 2007 йилдан то 2009 йилга қадар ўтган вақт давомида 4,1 миллион евро солиқ тўламаганликда айбланмоқда. Испания давлат адвокатураси Месси учун 22,6 ой муддатлик қамоқ жазоси ва катта миқдордаги жарима талаб қилганди. Прокуратура эса жиноятда футболчини эмас, унинг отасини айбламोқда ва 18 ойлик қамоқ билан кифояланишни сўраган.



## Мхитарян учун 60 миллион

Германиянинг "Боруссия" Дортмунд клуби ярим ҳимоячиси Генрих Мхитарян фаолиятини Англияда давом эттириши мумкин.

"Челси" клуби 27 ёшли футболчи учун 60 миллион евро беришга тайёр. Агар таклиф қилинаётган суммага рад жавоби олинса, жамоа молиявий тақлифни янада яхшилашга ҳам тайёр.

Эслатиб ўтамиз, Мхитарян бу мавсумда 49 учрашув ўтказиб, 23 та гол ва 18 та голли узатмани амалга оширган.

## Агар 100 бўлса...

Франциянинг "ПСЖ" клуби ҳужумчиси Златан Ибрагимович Хитой ҳукуматининг йилга 75 миллион евролик шартномасига рад жавобини берди, дея хабар бермоқда Le 10 Sport.



Шу билан бирга, 34 ёшли шведиялик футболчи маоши 100 миллион евро бўлган тақдирда Хитойга бориши мумкинлиги айтилмоқда. Аввалроқ хитойликлар Ибрагимовични лига юзи қилмоқчи эканликлари хабар қилинган эди.

Эслатиб ўтамиз, футболчи Ўзда ҳозирги клубини тарк этмоқчи. Бунинг устига футболчилик фаолиятини яқунлаш ҳақида ҳам ўйламоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## «ПСЖ» Азар билан музокараларни бошлади

Парижнинг "ПСЖ" клуби вакиллари Лондоннинг "Челси" жамоаси ярим ҳимоячиси Эден Азарнинг агенти билан музокараларни бошлади. Бу ҳақида Canal Supporters телеканали хабар тарқатмоқда.

Манбада айтилишича, 25 ёшли бельгиялик футболчи Лондон клубидаги ҳолатидан норози ва Ўзда жамоани тарк этишга тайёр.

Парижликлар эса бундан унумли фойдаланиб қолишмоқчи. Шунга қарамай, футболчи Францияга қайтишни истамайди, аммо "ПСЖ" клуби вакиллари уни кўндиришга уриниб кўради.

Ўз навбатида, мазкур футболчи билан Мадриднинг "Реал" клуби ҳам қизиқмоқда. Бир муддат аввал хориз оммавий ахборот воситаларида "Кироллик клуби" 40 миллион евро эвазига Азарни сотиб олиши мумкинлиги ҳақидаги хабарлар пайдо бўлган эди. Воқеалар ривожини кузатамиз, яқунда бельгиялик футболчи Лондон-Париж самолётига ўтирадими ёки Лондон-Мадрид?..



## «Лестер» дарвозабони «Барса» нигоҳида

Испаниянинг "Барселона" клуби ўз таркибига яна бир дарвозабон қўшиб олишни режалаштирмоқда. Бу борада каталонияликлар эътиборларини Англияга қаратишган. Бу ҳақда The Sun нашри хабар бермоқда.

Манбанинг маълум қилишича, "Барселона" клуби вакиллари бу мавсум Англия чемпионатида барчани ҳайратга сола олган "Лестер" жамоасидан номзод танламоқда. Аввалроқ Испания клуби жамоа ярим ҳимоячиси Риёд Махрезга қизиқиш билдираётгани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлган бўлса, эндиликда "Лестер" посбони Каспер Шмейхел ҳам уларнинг эътиборини тортмоқда.

Маълумотларга қараганда, каталонияликлар мазкур дарвозабон учун 20 миллион евро беришга тайёрлар.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратураси ҳайдовчиси Хусниддин Ақромовга онаси

Салтанат аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Huquq

юрidik gazeta  
Муассис:  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

## Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:  
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV  
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

## Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
□ — tijorat materiali.  
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma s-5794. 43 999 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Nabatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV  
Nabatchi: O'.DEHQONOV  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004